

ХАЛҚ ИШОНЧИ – УЛКАН МАСЪУЛИЯТ **5**

ЛЮБАЯ ТАЙНА ПО ПЛЕЧУ **15**





30 КИШИЛИК ТЎЙ ёхуд «Ҳотамтойлик», дабдабабозликка не ҳожат?! **16**

САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЗГУЛИК **21**





Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi nashri

2020-yil 11-iyun payshanba

№ 19 (4457)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

## ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР – ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ



Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз ички ишлар органларида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, мутлақо янги тизим шаклланди. Аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қиладиган профессионал тузилмага айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда давлатимиз томонидан ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларга қулай хизмат ҳамда яшаш шароитларини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари учун замонавий бино ва иншоотларни бунёд этиш, кўп қаватли уйлардан квартиралар сотиб олиш мақсадида ходимларга тижорат банкларининг узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиши, шунингдек, фоизсиз қарзлар берилиши фикримизга далилдир.



**8-9**







«POSTDA»ГА ХАТ КЕЛДИ

## Она, деб жон койитиб, болам, дея қайғурганлар

*Сардоба тошқинида сув босган хонадон ичида қолиб кетган аёл. Ўшанда унинг қандай изтиробли онларни бошидан ўтказгани фақат ўзигагина аён...*

*«Онажон, қўлингизни беринг», дея аёлнинг қўлларидан маҳкам тутиб, лойга туширмаслик учун оёқлари остига ғишт ташлаб, «Келинг, онажон, яхши бўлади ҳаммаси. Ҳужжатларингизни ўзим олиб чиқаман», дея уни жуда эҳтиёткорлик билан ташқарига олиб чиқаётган Миллий гвардия ходимларининг жонбозлиги тасвирланган видеони кўриб, очиғи, кўзимда ёш қалқиди.*

*Ҳовлида бир-бири билан қувлашиб, ўйнаб юрган набираларимга қарасам, кўнглимга бир ёруғлик инади. Тошқинда оқиб келаётган икки гўдакни қутқарган профилактика инспектори ўз жонини хатарга қўйиб, бир оиланинг қувончини асраб қолганлигини қалбан ҳис этаман. Шундай оғир вазиятда бу йигитнинг жасорати, қаҳрамонлигини бир сўз билан таърифлаш жуда мушкул.*

*... Тошқин орамиздан олиб кетган мард ўғлонларнинг ёди мангу қолади. Уларнинг мардлиги, жасорати ҳар доим ўзларига эш, яқинларининг аччиқ алам, изтиробларига фахр-ифтихор бир юпанч. Шу йигитларнинг ота-онаси, аёли, фарзандларига сабр тилаб, тилим титраб, дилим йиғлайди.*

*Ёзганларим у қадар бир қолипга сиғмас, аммо бир она сифатида айтадиганим эл бошига иш тушган синовли кунларда қийинчиликларга лаббай, дея елка тутган фарзандларимиз омон бўлсин! Уларнинг матонати, жасорати, иродаси, садоқатини, она, деб жон койитиб, болам, дея қайғуришини кўриб, қалбан фахр туйиб, ҳавасмандаман.*

*Моҳира ая.*
*Тошкент вилояти.*

ХАБАР

**Фарғона вилоятининг Риштон тумани ИИБ Миграция ва фуқаролики расмийлаштириш бўлинмаси учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

# БЎЛИНМА ЯНГИ БИНОДА ИШ БОШЛАДИ



Бу ерда фуқаролар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, паспорт-виза тартиботи бўйича бирор юмуш билан келган фуқаро ўз мурожаатига осон ва тезкор ечим топиши ёки ҳуқуқий маслаҳат олиши мумкин. Масалан, кутиш залига электрон навбат олиш қурилмаси ўрнатилган. Бу, албатта, фуқаролар учун қулайлик яратади. Шунингдек, электрон ахборот бурчаги, оналар ва болалар учун махсус жой ҳам ташкил қилинган.

Бинонинг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Тадбирда вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев, вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Дониёр Тошхўжаев ва бошқа мутасадди раҳбарлар, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Шу куни бўлинмага кўчма мобил қурилма билан жиҳозланган янги автомашина ҳам берилди.

– Эндиликда мазкур автомашинада чекка маҳаллаларга бориб, имконияти чекланган фуқароларимизга биометрик паспорт расмийлаштиришни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди, – дейди бўлинма инспектори, катта сержант Дилмурод Отажонов. – Биз янгича куч ва ғайрат билан, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, халқимизга сифатли хизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

ХИЗМАТ ЖОЙИ – ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ

# ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

**ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7531-ҳарбий қисм комендантлик хизмати батальонида шахсий таркиб ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида белгиланган режа асосида турли мавзуларда профилактик тадбирлар ўтказилиб келиняпти.

Айниқса, «Коррупциясиз соҳа: муаммо ва ечимлар», «Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар ва уларнинг содир этилиш сабаблари» ҳамда «Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзуларидаги учрашув ва давра суҳбатлари ҳарбий хизматчиларнинг бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида юзага келаётган ана шундай муаммоларни қатъият билан енгиб ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу сабабли ҳам ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган тартиббузарликлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анчага камайган.

Ҳафтанинг жума кунлари эса ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни» ўтказиляпти. Шу куни турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, буюк аждодларимизнинг жонажон диёримиз, қолаверса, бутун дунё илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳарбий хизматчилар онгига сингдириб борилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиёти йўлида муҳим саналган бошқа мавзуларда ҳам бири-биридан қизиқарли, таъсирчан тадбирлар ўтказиб келиняпти.

– Бу каби тадбирлар дунёқарашимизни янада бойитиб, мақсадларимиз сари янада олға интилишимизда асосий восита бўлаётир, – дейди кичик сержант Адҳам Ўрозбоев.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қийнаётган муаммолар ўрганилиб, ўз вақтида бартараф этилмоқда. Шу билан бирга, ҳарбий қисмдаги аскарлар билан ҳам индивидул тартибдаги суҳбатлар ўтказилиб, ёшларга келгусидаги орзу-истакларини амалга оширишда кўмак бериляпти.

**Умид ТОЖИЕВ,**
**Батальон командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, капитан.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Полковник Хасанов Иброҳим Исломович**

Тошкент вилояти ИИББ бошлиғининг тўртинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили – марказ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Тошкент тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.



**Подполковник Хурбоев Ўткирбек Махамматжонович**

Тошкент вилояти Тошкент тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Бўстонлиқ тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Подполковник Юсупов Илхом Элмуродович**

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари лавозимига.

Тайинловга қадар Денов тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.



**Подполковник Ахмедов Атамурад Бахтиярович**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Яшнобод тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимида фаолият юритган.



**Подполковник Зупаров Тохиржон Закиржанович**

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Юнусобод тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғининг тезкор ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Майор Мадаминов Жасур Наримонович**

Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Ҳазорасп тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Подполковник Нуруллаев Элбек Абдуқодирович**

Сурхондарё вилояти Денов тумани бўйича ИИОФМБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритган.



**Майор Бобоев Дўстмурод Қурбонмуротович**

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Шўрчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.



**Подполковник Бектошев Фарходжон Исроилович**

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига.

Тайинловга қадар Риштон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

ҲАЛОЛЛИКНИ ШИОР ҚИЛГАН ХОДИМЛАР

# АВВАЛ ТАРТИБНИ БУЗИШДИ, СЎНГРА...

**Бугунги кунда коронавирус пандемияси сабаб халқимизнинг сабр-бардоши ва матонати жиддий синовдан ўтмоқда. Ана шундай мураккаб пайтда айрим соҳа ходимлари ҳаётини хавфга қўйиб, куну тун хизмат қиляпти, кимлардир уйда ўтириб балои офатни даф қилишга интиляпти. Бироқ карантин қоидалари бажарилишини назорат қиладиган, одамларни огоҳликка чорлайдиган айрим соҳа вакилларининг ўзлари тартибни бузаётганини, нафсига эрк бераётганини қандай тушуниш мумкин?**

Жорий йилнинг 28 май куни. Соат тахминан 13:00. Деҳқонобод тумани Қорашина қўрғонида жойлашган, «Ингичка булоқ» хусусий корхонасига қарашли ошхона эшигининг очиқлиги туман ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси профилактика катта инспектори, майор Ботир Эшбоевнинг диққатини тортди.

Ошхонага кирган профилактика инспектори карантин қоидаларини бузган ҳолда, бир стол атрофида овқатланиб, спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирган беш кишига дуч келди. Маълум бўлишича, улар Давлат санитария-эпидемиология назорати инспекцияси туман филиали бўлими бошлиғи Р. Э. ва унинг қўл остидаги ходимлар – М.Ш., С.Ж., Б.Б., А.С. экан. Майор Ботир Эшбоев ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди.

Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Пайтавасига қурт тушиб қолган бу шахслар ишни «босди-босди» қилиш йўлини ахтаришади. Фуқаро Р.Э. ва М.Ш. 1 июнь куни майор Б.Эшбоевнинг хизмат хонасига келиб, ўзларига нисбатан қонуний чора кўрмаслик эвазига 500 минг сўм пора таклиф қилади. Профилактика инспектори эса пора бериш ва олиш жиноят эканлигини айтиб, бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан тегишли органларга маълум қилишини таъкидлайди, аммо...

Шу куни соат 16:00 ларда Р.Э. ва М.Ш. яна унинг хизмат хонасида пайдо бўлди. Ўзларига нисбатан тўпланган ҳужжатлар юқори турувчи раҳбарларга етиб борса, уларни ишдан бўшатиб юборишини айтиб, «иш»ни «ёпиш»ни сўрашди. Бунинг учун энди бир миллион сўм миқдоридаги пулни пора сифатида таклиф этишди. Шундан сўнг профилактика инспектори ушбу фуқароларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб туман ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилди.

ИИВ ЎХБ Қашқадарё вилояти бўйича бўлими ва бошқа соҳавий хизмат ходимлари билан ўтказилган ҳамкорликдаги тезкор тадбир давомида Р. Э. жорий йилнинг 4 июнь куни майор Б.Эшбоевнинг хизмат хонасида бир миллион сўм пулни пора тариқасида бераётган вақтда жиноят устида қўлга олинди.

Ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан терговга қадар суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# ЯХШИЛИК ДАРАХТИ

**«Яхшилик шундай бир дарахтки, унинг меваси ҳеч қачон тугамайди», дейди донишмандлар. Бошқа бир файласуф эса инсон умрини дарахтга қиёс этади. Агар инсон тўғри ва ҳалол яшаса, яхши фарзандлар тарбияласа, эзгу амалларни бажарса, бу дарахтнинг меваси тотли ва баракали бўлади.**




Ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Нўмонжон Зоҳидов билан суҳбатлашиш асносида, уни улкан бир меҳр дарахтига қиёслади.

Қаҳрамонимиз Фарғона вилоятининг Риштон туманида туғилиб, вояга етган. Ўрта мактабни тамомлагач, Фарғона давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олди.

Хизматни 1969 йилда бошлаб, ёнғин хавфсизлиги соҳасида 1995 йилгача турли лавозимларда самарали меҳнат қилди. Кейинчалик Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини ёнғиндан муҳофаза қилувчи бўлимга раҳбарлик қилди.

Пенсияга чиққанидан сўнг ҳам Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига қарашли соғломлаштириш масканида раҳбар ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди. Турмуш ўртоғи Тамарахон Зоҳидова билан аҳилликда фарзандларини камолга етказишди. Уларнинг тўнғич ўғли Сайёджон Зоҳидов ота касбини ардоқлаб, 20 йилдан зиёд ички ишлар органларида хизмат қилди. Жумладан, вилоят миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаларида турли раҳбарлик лавозимларида самарали хизмат қилиб, пенсияга чиқди.

Фарзандлари – Дилфузахон Латторова, Адҳамжон ҳамда Содиржон Зоҳидовлар ҳам олий маълумотли. Улар жамиятимизнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Нўмонжон Зоҳидовнинг икки нафар укаси – Эминжон Обидов ва Ўрмонжон Зоҳидовлар ҳам ички ишлар органлари сафида хизмат қилиб, пенсияга чиқишган.

– Отамиз ҳалол, меҳнаткаш, қўли очиқ инсон эди, – дейди Нўмонжон ота болалик йилларини хотирлаб. – Қишлоқдошларимизга доим яхшилик қиларди. Бошига ташвиш тушган кишиларга биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўзарди. Бизни ҳам меҳнаткаш, қўли очиқ қилиб тарбиялади. Шогирдларимга ҳам нимаики яхшилик қилиш керак бўлса, баҳоли қудрат қилдим. Шу боис ҳозир кўчада кимки мени кўрса, қучоқ очиб келади. Одамларнинг мамнун чеҳрасини кўришдан, «раҳмат» деган сўзни эшитишдан ортиқ бахт борми, дунёда!?

Ҳамкасблари Нўмонжон Зоҳидовни раҳбар бўлиб ишлаган йиллари қўл остида ходимларга оталарча ғамхўрлик қилганини таъкидлашади. У иқтидори бор шогирдларининг жуда кўпчилигини вазирлик олий таълим муассасаларига ўқишга юбориб, офицерлар таркибига ўтказди. Оилавий ҳаётида муаммога учраганларга далда бўлиб, моддий-маънавий ёрдам берди.

Ҳозир Нўмонжон ота 70 ёшдан ошган. 10 нафар набираси, 3 нафар чевараси бор. Фарзандлари ва набираларига дуогўй бўлиб, кексалик гаштини суряпти.

Унинг яхшилик ва меҳр дарахти ҳамон ўз мевасини бермоқда. Пири бадавлат отахон яқинда ўзининг узоқ йиллик яна бир орзусига эришди. Фарғона вилояти ИИБ Фахрийлар кенгашининг кўмаги билан бир гуруҳ ички ишлар органлари фахрийлари қаторида Умра зиёратини бажариб қайтди.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ҲАМИША ҒАЙРАТ-ШИЖОАТГА ТЎЛА

**Мамлакатимизда сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқларига эътибор кучайган сўнгги уч йилда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига доир холис маълумотлар билан бирга, асоссиз хабарлар тарқатиш ҳолларига ҳам дуч келинаётган эди.**



Шаҳризод Шокиров вазиятни яхши биларди. Шунинг учун пенитенциар тизим фаолиятини тартибга солувчи Жиноят-ижроия кодексини ўрганишни анча олдинроқ бошлаб юборган эди. У Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи лавозимига тайинлангач, оммавий ахборот воситалари вакилларининг соҳага оид саволларига малакали жавоб бериш учун вазирликнинг тегишли меъёрий ҳужжатларини пухта ўрганди, жазони ижро этиш колониялари ҳаёти билан яқиндан танишди. Шунинг баробарида аҳолини ҳам жазони ижро этиш муассасалари фаолиятидан хабардор қилиш учун ОАВ имкониятларидан усталик билан фойдаланди.

Шу йилнинг январидан янги лавозимда иш бошлаган Ш. Шокиров, биринчи чоракда интернет сайтлар ва ижтимоий тармоқларга 94 та материал жойлаштирди. Бу ҳар куни қайсидир сайтда ёки ижтимоий тармоқда соҳа ҳақида битта хабар эълон қилинди дегани. Бундан ташқари, матбуотда 58 та мақола чоп этилишига эришди. Телевидение орқали 40 та лавҳа ва кўрсатув эфирга узатилди, радио орқали 8 та чиқиш қилинди.



Жорий йилнинг февраль ва март ойларида Юртбошимиз томонидан имзоланган афв этиш тўғрисидаги фармонларга асосан озод этилганлар тўғрисидаги 15 дан ортиқ лавҳалар «Ўзбекистон – 24; «Ёшлар», «Менинг юртим» телеканалларида ўзбек ва рус тилларида эфирга узатилди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Лавҳамиз қаҳрамони «Севимли» телеканали билан ҳамкорликда «Қафасда» кўрсатувини тасвирга олишни йўлга қўйди. Дастлабки уч ой ичида кўрсатувнинг тўртта сони томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Ҳозиргача тизим ходимлари билан боғлиқ аҳоли ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлган воқеа-ҳодисалар бўйича ўз вақтида маълумот берилишини ва ҳуқуқий муносабат билдирилишини таъминлаб келяпти. Унинг тезкорлиги туфайли ИИВ ЖИЭББ фаолиятига доир асоссиз салбий муносабат ёки хабарларга ҳозиржавоблик билан раддиялар беряпти. Кўриниб турибдики, у нисбатан қисқа вақт ичида кўплаб телеканаллар, газета-журналлар, веб-сайтлар, радиоканаллар билан ижодий ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлди.

Дарвоқе, Ахборот хизмати соҳаси унинг учун бегона эмас. Зеро, 2018–2019 йилларда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши Ахборот хизмати бош мутахассиси лавозимида фаолият кўрсатган. Унгача ушбу ташкилот қошидаги «Ёшлар овози» радиоси координатори, «Ёшлар медиамаркази» бош мутахассиси вазифаларида ишлаган.

Аниқроғи, ёшлар ташкилотидаги фаолиятини талабалик давридаёқ бошлаган эди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг маънавий-маърифий лойиҳалар бўлими етакчи мутахассиси, Ёшлар медиамаркази оммавий тадбирларни ўтказиш маркази координатори сифатида ишлаган кезлари унинг ташкилотчилик, бошловчилик қобилияти ёрқин намоён бўлди. Бу иқтидори ҳозир ҳам матбуот анжуманлари, брифингларни ташкил этиш, ўтказиш чоғида қўл келяпти.

Лавҳамиз қаҳрамони ғайрат-шижоатга тўлиб юради, кўнглидаги орзуларини амалга оширишга шошилади. Хаёлида эса турли режалар, ғоялар ҳамиша қайнаб-тошади. Ёшликнинг ғайрат-шижоатидан фойдаланиб қолишга интилади. Шунинг учун ҳаммасига улгуради. Тилагимиз уни ёшлик ғайрати, шижоати ҳеч қачон тарк этмасин.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

УЧИНЧИ СЕКТОР

# ЖАРҚОҚ: ЮРАКЛАРДА УНГАН УМИДЛАР




**Қоровулбозор Бухоро вилоятининг энг ёш ва олис туманларидан бири. Биз фикр юртмоқчи бўлган «Жарқоқ» МФЙ эса вилоят марказидан 100 километр, туман марказидан 30 километр узоқда жойлашган. Бу ҳудуд туман ИИБ бошлиғи, учинчи сектор раҳбари, подполковник Файзулла Исмоиловга бириктирилган бўлиб, айни пайтда 353 та хонадонда 1665 киши истиқомат қилади. Шу кунга қадар барча хонадонлар ўрганилиб, муаммолар бартараф этилган. Карантин ҳолатида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида барча зарурий чоралар кўрилди. Айниқса, ёрдамга муҳтож ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.**

– Мамлакатимизда пандемия шароитида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг белгиланган карантин қоидаларига қатъий риоя этишини тақозо этаётганлиги боис, бу борада амалга оширилаётган ишлар назоратини кучайтирдик, – дейди сектор котиби, майор Алишер Райимов. – Шунингдек, сектор раҳбари ташаббуси билан карантин вақтида аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг ўз яшаш ҳудудларидан узоқлашмаган ҳолда, зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишлари учун имконият яратиш мақсадида ҳар ҳафтада бир марта кўчма савдо ярмаркалари ташкил этганмиз. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар томонидан ўзлари етиштираётган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотларини тез ва сифатли ҳолда аҳолига етказиш имконини бермоқда.

**Бугунги кунгача маҳалла ҳудудида 24 та хонадонда иссиқхоналар қуриб битказилди.**

Шунингдек, карантин даврида ўнга яқин кам таъминланган оиланинг кунлик даромадини шакллантириш мақсадида 25 тадан товуқ берилди. Яна уч нафар хонадонга имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қурилди. М. Мустақимовага эса йирик шохли қорамол олиб берилди. Ўн нафар ишсиз фуқаро доимий ишга жойлаштирилди.

Яқинда сектор раҳбари «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида «Жарқоқ» МФЙ ҳудудида яшовчи ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, еттита оилага икки бошдан майда шохли мол, саккизта хонадонга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда учта хонадонга 500000 сўмдан пул ҳомийлик асосида берилди. Шунингдек, Жарқоқ қишлоғида яшовчи Шарифа Раҳмонова ва Итолмас Шукуровларнинг хонадонларида маҳалла фаоллари ҳамда туман ИИБ ходимлари билан биргаликда, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Шу билан бир қаторда, фуқаро И. Шукуровнинг оилавий муаммолари тингланиб, эр-хотин муносабатлари яхшиланди. Келгусида унинг оилавий даромадларини ривожлантириш учун имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб бериш секторнинг йўл харитасига киргизилди. Б. Бахронова ва У. Самандаровлар никоҳдан ўтмасдан яшаб келаётганлиги ўрганилиб, қонуний никоҳдан ўтказилди.

Бундай хайрли ишларни яна кўплаб санаб ўтиш мумкин. Муҳими, ҳар бир хайрли иш 3-сектор раҳбари ва ишчи гуруҳ аъзоларининг саъй-ҳаракати билан амалга ошаётганини фуқаролар ҳис этишяпти. Булар биргина «Жарқоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида бажарилган ишлардир.

Сектор раҳбарига бириктирилган «Имом Бухорий» номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам худди шундай долзарб ишлар амалга оширилди. Аввало, аҳолининг томорқадан унумли фойдаланиб, экин ерида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши назоратга олинди. Шу билан бир қаторда, Ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Рустам Нарзуллаев томорқасининг 4 сотихига иссиқхона қуриш юзасидан қилган мурожаати юзасидан, «Бўзачи Ер Томорқа» МЧЖ томонидан иссиқхона қуриш ишлари ўрганилиб, тадбиркорга кўрсатмалар берилди. Бугунги кунгача маҳалла ҳудудида 24 та хонадонда иссиқхоналар қуриб битказилди.

Бундан ташқари, секторнинг ишчи гуруҳи томорқадан самарали фойдаланишни билмайдиган айрим хонадонларда беминнат ризқ-рўзимиз манбаи бўлган замин саховатидан оқилона фойдаланиш, фақат бироз жисмоний куч ва қунт ила меҳнат қилиш орқали бунга эришиш мумкинлигини тушунтиришди. Шу билан бирга, уларга ердан бесамар фойдаланиш қонунда жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида ҳам эслатиб ўтилди.

Маҳалла ҳудудидаги тўққизта озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш билан шуғулланувчи дўкон ва дорихонада маҳалла ходимлари билан ҳамкорликда нарх-навони сунъий ошириш ҳолатлари ўрганилмоқда. Бироқ бундай ҳолатлар ҳозиргача аниқланмади. Барча тадбиркорларнинг муаммолари ўрганилиб, ўз вақтида олди олинаяпти. Фахрий кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ва ногиронларга маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда 11 турдаги озиқ-овқатлар ва 14 турдаги антисептик дори-дармон воситалари уйларига олиб бориб тарқатилди. Аҳоли билан доимий равишда карантин қоидаларига риоя қилиш тўғрисида суҳбатлар ўтказилиб, мурожаатлари бўлганда, маҳалла фуқаролар йиғини ва сектордаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилишлари юзасидан тушунчалар берилмоқда.

**11 турдаги озиқ-овқатлар ва 14 турдаги антисептик дори-дармон воситалари муҳтожларга тарқатилди.**

Сектор ҳудудидаги маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш давомида нотинч оилалар ва жиноят содир қилишга мойил бўлган шахслар аниқланиб, уларга масъуллар бириктирилди. Шунингдек, доимий профилактик суҳбатлар олиб бориш йўлга қўйилди. Натижада уларнинг турмуш тарзида пайдо бўлаётган муаммолар ижобий ҳал қилиниб, ижтимоий фойдали меҳнат жараёнидаги иштироки таъминланмоқда. Бундан ташқари, ўтказилаётган профилактик тадбирларга жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам жалб қилиниб, содир этилган ҳуқуқбузарликлар сектор раҳбари иштирокида муҳокама этиляпти. Уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаблар атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Қисқаси, юртимизда кечаётган халқимиз учун ана шундай синовли кунларда аҳолига қулайлик яратиш борасида барча зарурий чоралар кўрилмоқда. Энг муҳими, жарқоқликларнинг юрагида умид чечаклари униб, эртанги кунга ишончи ортмоқда.

**Ўнга яқин кам таъминланган оиланинг кунлик даромадини шакллантириш мақсадида 25 тадан товуқ берилди.**

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

## ҚЎЛЛАНИЛМАЙДИГАН ҲОЛАТЛАР ҲАМ БОР...

**– Эшитишимча, жарима миқдорининг 70 фоизини вақтида тўлаганларга қандайдир енгиллик бор экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

**Холмирза БАКИРОВ.**




– Енгиллик шундан иборатки, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўласа, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади. Аммо ушбу қоида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда ҳамда жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда қўлланилмайди. Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарликни ўзларига нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этган шахслар ҳам мазкур енгилликдан фойдалана олмайдилар.

**«Huquqiy axborot» телеграм канали маълумотларидан фойдаланилди.**

# ХАЛҚ ИШОНЧИ – УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

**дейди Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, капитан Юнус Марксов.**

**Бирор юмуш юзасидан давлат ташкилотига ишимиз тушса, тезда ниятимизни равон қилиш истаги билан ёнамиз. Кўпинча эшигини қоқиб борган идорага муродимиз ҳосил бўлишига қараб баҳо беришга ўрганиб қолганимиз ҳам бор гап. Аммо кўпинча давлат ташкилотларига бир кунда ўзимиз сингари қанча фуқаро мурожаат қилишига эътибор қаратмаймиз. Бу борада биз қанчалик ҳақмиз? Келинг, яхшиси, Яшнобод тумани бўйича ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими, халқона тилда айтсак, «Паспорт столи»нинг бир кунлик фаолиятини биргаликда кузатамиз.**






*Юнус Марксов 1991 йил 10 декабрда Хоразм вилоятида туғилган. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини тамомлаган. Фаолиятини Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Тергов бўлимида бошлаган Юнус Марксов мазкур йўналишда турли лавозимларда хизмат қилган. 2018 йилда Учтепа тумани бўйича ИИОФМБ 4-сонли ИИБ тергов бўлинмасини бошқарган. Ҳозирда Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи.*

Юртимиздаги карантин тартибига қарамай, бўлим фуқаролар билан гавжум. Бироз кузатиб билдикки, бу ерда мақсадсиз инсоннинг ўзи йўқ. Шу ўринда яна



бир эътиборли жиҳат, туман ИИОФМБ бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ойбек Атабоев «Ёш бўлса-да, тажрибали, хизмат вазифасини фидойилик билан бажаради», дея таърифлаган бўлим бошлиғи капитан Юнус Марксов хизмат хонасида эмас, идора ҳовлисининг қоқ ўртасида тик оёқда мурожаатчилар билан мулоқот қилаётган экан. Ундан шу оннинг ўзида интервью олиш кўпчиликнинг вақтини совуришдек туюлгани боис иш куни аввалидаёқ «Паспорт столи»дан мамнун кайфиятда чиқиб кетаётган фуқаролардан бирини суҳбатга тортдик.

– Шарқшунослик институти талабасиман, – **дея гап бошлади Жасур Алимбаев.** – Тошкентда туғилиб катта бўлганман. Шу кунга қадар отам туғилиб ўсган Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Қипчоқ» ҚФЙда доимий рўйхатда оилавий турардик. Отам 1997 йилдан буён пойтахтда ишлайди. Шахсий уйимиз бўлса-да, оилавий вақтинчалик рўйхатда туришга мажбур эдик. Мана бугун ота-онам, мен ва укам ўз уйимизга доимий рўйхатга ўтдик. Бундан жуда хурсандмиз. Биринчи куни керакли ҳужжатларни тўлдириб, иккинчи куни кўриб турганингиздек, тайёр паспортларимизни олиб кетяпмиз.



– Ўғлим, мен ҳам Қибрайда туғилганман, аммо бир умр Тошкентда ишладим, – **дея ёши элликлардан ошган Кенгаш Қурбонов суҳбатга қўшилди.** – Ёшликда билинмас экан, кейинчалик ҳорганда йўл азоби дегандек, қайноғамнинг номига уй олганимга ҳам тўққиз йил бўлибди. Шундан бери ўз уйимга вақтинчалик рўйхатда туриб яшадим, ишладим. Мана доимий рўйхатни бу ерга кўчирдим.

Юртдошларимизнинг юз-кўзидаги кўтаринки кайфиятда давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 13 май куни имзоланган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақидаги»ги қонуннинг халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётгани ва ҳаётбахшлиги шундоқ кўриниб турарди.

Ёнига мурожаатчилар қаторида яқинлашганимиздан ниятимизни англаган куйи капитан Юнус Марксов: «Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 320-сонли қарори асосида бўлимимизда кунига 200–250 нафар фуқаро доимий рўйхатга қўйилмоқда, деди. Шу аснода ёши етмишлардан ошган онахоннинг аризасига имзо чектираркан, «Онахон салқинда дам олиб туринг», дея қўшиб қўйди.

Шу орада яна мурожаатчилардан бирига юзландик:

– Қизим Моҳира Гайбуллаева 16 ёшга тўлди, – **деди Матлуба опа Буйирова.** – Ота-онам Душанбеда яшайди. Ёзги таътилда Моҳира кўпинча бобосиникига меҳмонга борарди. Шу боис унга хорижга чиқиши учун бир неча бор болалар паспорти олганмиз, энди фуқаролик паспорти расмийлаштиришга келдик.

Моҳира опанинг гапини икки қўлини кўксига қўйиб, ўзбекона тавозе билан бизга яқинлашган Микайил Мамадов – Озарбайжон фуқароси бўлди. У вақтинча рўйхатдан ўтиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаганидан мамнунлигини изҳор этиб кетди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтмай, Моҳира опа керакли тавсияларни олиб, ҳужжатларни топшириб қайтаётганига гувоҳ бўлдик.

– Бўлимимизда 23 нафар ходим фаолият юритади, – дейди капитан Юнус Марксов. – Ҳар бир мурожаатга қонун доирасида тезда ечим топишга ҳаракат қиламиз.

Шу дам ўзини Дилшод Раҳматуллаев, дея таништирган юртдошимиз яшаб турган уйидан вафот этган онасини рўйхатдан чиқариш, синглисининг фарзандини рўйхатга киритиш бўйича зарур тавсияларни билиб, керакли ҳужжатларни олиб келишини айтиб ортга қайтди.



Ёз ҳавоси, қуёшнинг тафти авжига чиқди ҳамки, одамларнинг охири кўринмайди. Фурсатини топиб, Юнус Марксовдан бўлим томонидан аниқланган қоидабузарликлар сабаб жарима қўллаш ҳолатлари билан қизиқдик.

– Афсуски, амалиётда фуқаролик паспортининг муддати ўтиши, паспортнинг яроқсиз ҳолатга келиб қолиши, доимий рўйхатдан чиққандан кейин 15 кун муддат ичида рўйхатга кирмаслик ҳолатлари учраб туради. Бундай қоидабузарликларга қонун доирасида жарималар қўлланилади. Жорий йилнинг 2 июнь ҳолатига кўра, бўлимимизда 511 нафар Ўзбекистон фуқароси, 42 нафар хориж фуқаросига ўз вақтида рўйхатдан ўтмаган ҳолат бўйича, тегишли тартибда жарима миқдори белгиланди. Халқимиздаги «Бугунги ишни эртага қўйма» мақоли бизда ўрнатилган тартибни ёқлаши баробарида, ҳар бир фуқарони бурч ва масъулиятни теранроқ англашга ўргатади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бўлимдан халқ рози бўлиб қайтаётганини кўришнинг ўзи кўнгилда некбин ҳисларни уйғотади. Бунинг асосий сабаби хизматнинг тўғри ташкил этилгани, ходимларнинг муомала маданияти юқорилиги, муассасада намунавий пештахталардан тортиб, банк кассаси ҳамда бир нечта хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, қолаверса, бўлим бошлиғи капитан Юнус Марксовнинг хизмат вазифасини жамоаси билан биргаликда, сидқидилдан бажариб, халқ ишончини катта масъулият, шарафли меҳнат деб билганидир.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

ПИСЬМО ПОЗВАЛО В ДОРОГУ

# ГРАЖДАНСКИЙ ДОЛГ

**В УВД Андижанской области поступило письмо от жительницы Пахтаабадского района Зухры Артиковой. Женщина просила объявить благодарность ряду сотрудников Пахтаабадского РОВД за безупречную службу, верность служебному долгу, умение оперативно действовать в сложной обстановке.**



Чтобы разобраться в ситуации и лично пообщаться З. Артиковой, я рано утром отправился в Пахтаабад. Дождавшись окончания развода, зашел к заместителю начальника РОВД по вопросам профилактики правонарушений подполковнику Жасурбеку Хусанову, попросил его рассказать о том, как работают сотрудники, в частности инспектора профилактики, какая криминогенная обстановка царит в районе, как живут жители.

– 59 километров границы нашей страны с Кыргызстаном проходят на стыке Пахтаабадского района с Джалалабадской областью соседнего государства. На территории района функционирует филиал Андижанского механического завода, где ремонтируют железнодорожные вагоны, 6 481 фермерское хозяйство занимается возделыванием хлопчатника, 6 870 хозяйств выращивают пшеницу. В 67 махаллях района проживает более 190 тысяч жителей. Мир, покой и безопасность граждан обеспечивают 35 территориальных инспекторов профилактики, – говорит подполковник Ж. Хусанов. – Что касается криминогенной обстановки, то, по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, на 50 процентов снизилось количество преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотиков, на 40 процентов – особо тяжких преступлений, на 16 процентов – связанных с нанесением телесных повреждений средней тяжести. В то же время есть небольшой рост по другим категориям преступлений.

В РОВД я встретился с автором письма Зухрой Артиковой. Она рассказала, что работает старшим фельдшером отделения скорой медицинской помощи Пахтаабадского района более двадцати лет. В настоящее время обслуживает массив Озод, где в 12 махаллях проживает около 18 тысяч жителей.

– За эти годы не раз выезжала на места происшествий, оказывала первую медицинскую помощь жертвам насилия или драк. Всегда поражалась тому, как четко действуют сотрудники органов внутренних дел. Благодаря их профессионализму, умению работать в неординарной обстановке многие преступления раскрывались по горячим следам. Тогда у меня и появилась мысль написать благодарственное письмо. Я стала внимательно наблюдать за службой инспекторов профилактики, других сотрудников. Со временем сложился мой список лучших из них. Это начальник отделения уголовного розыска майор Санжар Шокиров, старший инспектор профилактики майор Мирфайзилло Ахмадалиев, старший инспектор отделения пробации майор Ойбек Исаков, старший оперуполномоченный отделения уголовного розыска капитан Хаётбек Мирзаев, старший инспектор профилактики капитан Носиржон Сиддиков, инспектор группы по предупреждению безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних старший лейтенант Элмурод Мамадалиев, инспектора профилактики – лейтенанты Алишер Курбанов и Жасурбек Абдукаххаров, помощник оперативного дежурного оперативной дежурной части сержант Таваккал Хакимов. Конечно, это мое личное мнение, – поделилась Зухра Артикова.

– Зухра опа своим женским чутьем точно угадала, кто работает с душой, не щадя сил и времени для того, чтобы народ чувствовал себя в безопасности, – подтвердил начальник Пахтаабадского РОВД подполковник Азизбек Исмоилов. – Побольше бы таких людей, как Зухра Артикова. Она проявляет высокий гражданский долг, ревниво относится к тому, как обеспечивается в районе стабильный общественный порядок. От имени личного состава отдела внутренних дел хочется выразить З. Артиковой признательность за чувство ответственности.

Гражданский долг тесно связан с таким понятием, как демократия. Объединившись в государство, люди становятся гражданами, частью целого.

После обстоятельной беседы я горячо попрощался с Зухрой опа, понимая, что эта женщина выполняет гражданский долг не из принуждения, а исходя из глубокого понимания своих обязанностей.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимке:*** *Зухра Артикова со старшим инспектором профилактики майором Оятилло Отахужаевым.*

**Фото автора.**

*Андижанская область.*

НАСТАВНИКИ

# Поклон учителю



**В народе говорят: «Не стремись обрести золото, стремись обрести благословение». В благословении есть особая сила.**

В пункте технической охраны № 2 особого батальона № 2 Навоийского областного управления охраны Национальной гвардии Республики Узбекистан на протяжении многих лет трудится дежурный оператор Полина Тен. Она приветливый и энергичный, честный и трудолюбивый человек, ответственный сотрудник, строго соблюдающий правила техники безопасности и служебной дисциплины, вносит большой вклад в охрану спокойствия граждан.

Полина опа – мой учитель. Она – ведущий специалист. Как молодой сотрудник, часто обращалась к ней за помощью и получала действенные советы. Полина опа всегда готова поддержать. Она с удовольствием делится богатым опытом с молодежью, обучает учеников секретам и тонкостям профессии.

Мой учитель является жизнерадостным, открытым и искренним человеком, самоотверженно подходит к выполнению поставленных задач. Когда кто-то из нас совершает ошибку, она спокойно объясняет, в чем мы неправы.

Я рада, что могу назвать Полину опа наставником. На протяжении многих лет она работает в данной сфере, учит нас, требует бдительности, ответственности в вопросах сохранения спокойствия и безопасности граждан.

Мой учитель – человек, постоянно живущий с благодарностью в душе и делящийся этой благодарностью со всеми. А мы, берем с нее пример.

**Зилола БОЗОРОВА,**
**дежурный диспетчер Навоийского областного управления охраны Национальной гвардии Республики Узбекистан.**

**Фото из архива.**

*Навоийская область.*

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# СОТРУДНИКИ КАРАНТИННОГО ОТДЕЛА – НА СТРАЖЕ ЗДОРОВЬЯ ГРАЖДАН

**При Управлении патрульно-постовой службы и охраны общественного порядка УВД Наманганской области функционирует карантинный отдел, в чьи обязанности входит обеспечение на территории области стабильной эпидемиологической обстановки, контроля над качеством завозимых продуктов, проверка наличия соответствующих документов, сертификатов.**




Сотрудники отдела стараются не допустить ввоз некачественного и незаконного товара. На днях провели мероприятия, в ходе которых были предупреждены случаи реализации некондиционных продуктов на обочинах дорог, связующих территории Чустского и Папского районов. Как оказалось, недобросовестные граждане привозят мороженое сомнительного производства и продают его соотечественникам, проезжающим по этой трассе. Никаких сертификатов, безусловно, нет. Как и где производили реализуемое мороженое, уточняют следственные органы. Сотрудниками отдела были также пресечены случаи незаконного провоза коконов шелкопряда, различных продуктов.

Недавно специалисты карантинного отдела УВД Наманганской области провели проверку реализуемого на рынках товара. Рейды были направлены на выявление фактов, связанных с продажей непригодных для употребления, не отвечающих санитарно-гигиеническим требованиям продуктов и предупреждение их ввоза в будущем. Инициаторами проверок явились городские подразделения налоговой и ветеринарной служб, эпидемиологический центр, другие заинтересованные организации. Были осмотрены многие рынки, расположенные на территории области. В центре внимания стоял вопрос соблюдения установленного порядка, требований и правил реализации продуктов питания.

Аналогичное мероприятие проводилось на одном из крупных рынков Намангана – многопрофильной торговой точке «Сардоба». По выявленным фактам были оформлены документы и приняты соответствующие меры согласно действующему законодательству. В частности, установили, что мясо продают с нарушением санитарно-гигиенических требований. Ряд продавцов не соблюдает правила торговли, создавая опасность для здоровья покупателей.

В ходе проверок в отношении 14 продавцов, допустивших те или иные нарушения правил торговли мясом и мясной продукцией, были приняты меры: им вынесены официальные предупреждения с предписанием устранить все недостатки. В отношении семи продавцов мясом, абсолютно не соблюдавших предусмотренные требования, товар которых не был сертифицирован, составили административные протоколы, согласно которым определены меры воздействия.

Сотрудники карантинного отдела отвечают за здоровье людей. Их работа важна и ответственна, особенно в нынешних сложных условиях.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Наманганская область.*

# НИ ОДНО ОБРАЩЕНИЕ НЕ ОСТАНЕТСЯ БЕЗ ВНИМАНИЯ

**В эти дни, в связи с объявлением карантинных мер, людей, направляющих свои обращения в отделение по работе с обращениями граждан Организационного управления УВД Самаркандской области, не становится меньше. От жителей области продолжают поступать обращения, но в онлайн-формате. Их за период карантина поступило свыше 3 140.**



– Большая часть обращений направляется к нам из Виртуальной приемной Президента Республики Узбекистан. 78,61 процента поступивших с начала года предложений, заявлений, жалоб было решено удовлетворительно, – рассказывает старший инспектор отделения старший лейтенант Шахбоз Шавкатов. – Другая часть заявителей предпочитает звонить на горячую линию МВД, по короткому номеру «1102». По телефону к нам обратились более 1 400 человек. 78 процентов поданных ими обращений были рассмотрены, оставшаяся часть находится на стадии изучения. Также работает телефон для справок: 66 233-12-34, на который каждый день поступает около 10 звонков.

В тестовом режиме запущен официальный веб-сайт УВД Самаркандской области и зарегистрирована страничка в социальной сети Facebook, куда также могут обращаться граждане. Там же размещена анкета для проведения социального опроса. Люди пишут свои рекомендации и пожелания по улучшению деятельности органов внутренних дел.

По статистике, основная часть обращений затрагивает имущественные вопросы. Особого разбирательства порой требуют семейные скандалы. Среди нерешенных проблем есть и вопросы, связанные с паспортной системой, органами следствия и дознания. Предложения, заявления, жалобы рассматриваются в установленный срок.

– К нам стали часто обращаться люди с жалобой на деятельность частного агентства занятости. Пострадавших оказалось 248 человек. В отношении руководителей данного агентства возбуждено уголовное дело, с них была взыскана часть ущерба в размере 1 млрд 62 млн сумов. В настоящее время продолжается следствие. Еще одно частное агентство обмануло 70 жителей области, пообещав им хороший заработок за рубежом. Пострадавшим был возмещен ущерб в размере 30 млн сумов. По данному факту также ведется следствие.

Среди обращений есть и такие, к которым сотрудники отделения вынуждены периодически возвращаться.

На протяжении семи лет житель махалли Гулобод Ботир не хотел расставаться с домом, где прошли его детство и юность. Когда у него появились проблемы, он решил продать родительский дом своему племяннику, а на оставшиеся деньги прикупил земельный участок в соседней махалле. Оформив необходимые документы купли-продажи, бывший хозяин попросил пожить некоторое время в доме, пока он не достроит новый. Затем ему показалось, что он продешевил, и решил остаться в доме.

Несмотря на то, что судебные исполнители неоднократно выселяли бывшего хозяина из дома, он вновь и вновь заселялся в него, взламывая замки. После обращения руководство УВД взяло это дело под особый контроль. Удалось разрешить проблему мирным путем и выселить бывшего хозяина, который незаконно проникал в жилое помещение. Заявитель остался доволен проделанной работой и выразил благодарность.

– Для нас важно, чтобы каждое обращение не осталось без внимания, – утверждает старший лейтенант Шахбоз Шавкатов. – Мы понимаем, что доверие людей, обратившихся к нам, зависит от того, насколько качественно мы сможем помочь человеку.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР



ИИВ ҳовлиси ва саф майдони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

**Ходимларга қулай ва замонавий иш шароитини яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фаолият самарадорлигини таъминлайдиган асосий омиллардир. Шу боис бугунги кунда мамлакатимиз ички ишлар органлари моддий техника таъминотини мустаҳкамлаш, осойишталик посбонларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни вазирликда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.**



ҲПББ ходимлари хизмат хонаси



Биринчи қават фойеси



Сирғали туманидаги ИИВ ходимлари учун турархой бинолари

ИИВ Марказий аппарати биносига киришда замон талабига жавоб берадиган кенг ва кўп функцияли, энг сўнгги рақамли технологиялар билан жиҳозланган янги назорат-ўтказиш пункти ташкил этилганига гувоҳ бўласиз. Вазирлик ҳовлисига қадам босишингиз билан бинонинг ички томони фасад қисмининг кўркам кўринишга келтирилгани кўзга ташланади. Эски фаввора ўрнида манзарали, замонавий технология асосидаги янги фаввора барпо этилган. Айниқса, ҳозирги иссиқ кунларда ундан отилиб турган оби ҳаётнинг салқин ҳавоси, жилваланиб, ўйноқилаб туриши кишига хушкайфият бағишлайди. Саф кўриги ва тантанали тадбирлар учун мўлжалланган майдон янгитдан асфальт қилинган. Бу ерда раҳбарият учун тантанали марш минбари ҳам қад ростлаган. Майдоннинг ёнгинасида ходимлар маънавияти ва маърифатини юксалтиришга хизмат қилувчи мўъжаз китоб дўкони ишлаб турибди. Янги типдаги ошхона, озиқ-овқат супермаркети кабилар эса осойишталик посбонларига янада қулайлик яратади.

Молия ва моддий-техника таъминоти департаменти Хўжалик бошқармаси бошлиғи, полковник Шуҳрат Азимнинг таъкидлашича, ИИВ ҳовлисидаги биноларнинг қаватлари капитал таъмирланиб, қулай, шинам ва замонавий кўринишга келтирилган. Янги жанговар ва электрон тирлар ҳамда соҳавий хизматлар учун омборлар ташкил қилинган. Шунингдек, қаватлардаги хизмат хоналари, йўлаклар ва ёрдамчи хоналар таъмирдан чиқарилган. Бинонинг юқори сифатли муҳандислик тармоқлари, ёнғинни ўчириш ва совутиш тизимлари, ёритиш, вентиляция, иситиш қурилмалари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, тежамкор технологиялар асосида ишлайди.

– Қайта таъмирдан чиқарилган ҳар бир қават ўзига хос дизайни ва жиҳозланиши замонавий кўриниш касб этиши билан бир-биридан тубдан ажралиб туради. Келгусида ҳам аҳил жамоамиз билан бундан-да юқори натижаларга эришиш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз, – дейди полковник Ш. Азим.

Дарвоқе, вазирликнинг Ташкилий департамент хоналари ҳамда Марказий навбатчилик қисми ҳам тўла таъмирдан чиқарилди. Замонавий компьютер технологиялари ва бошқа барча зарур техник воситалар билан таъминланди.

– Энг сўнгги рақамли технологияларнинг жорий этилиши хизмат самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда, – дейди Марказий навбатчилик қисми бошлиғи, подполковник Шуҳрат Муҳидинов. – Шунингдек, ходимларимиз самарали хизмат олиб бориши учун шу ернинг ўзида ошхона, кутубхона ва дам олиш хоналари ташкил қилингани ҳам ходимларимизга мароқли ҳордиқ чиқариш учун қўл келмоқда.

ИИВ Алоҳида қўриқлаш отряди командири, полковник Ғуломжон Аҳмедов, ЖҚББ бошқарма бошлиғи ўринбосари, полковник Мирғолим Каримов, ҲПББ бўлим бошлиғи, подполковник Баҳриддин Султонов, Ташкилий департаментнинг Ахборот-таҳлил бошқармаси МТБ инспектори, капитан Бекзод Зокировлар ҳам ўзлари фаолият олиб бораётган тузилмаларда амалга оширилаётган ўзгаришларни зўр мамнуният билан қарши олишганини қайд этишди. Барча шароитларга эга хизмат хоналарининг топширилишидан хурсанд бўлишгани, бундай ғамхўрликка жавобан янада шижоат, куч-ғайрат билан хизмат қилишларини таъкидлашди.

Кейинги икки-уч йил ичида вазирлик Марказий аппаратининг тиббиёт пункти, сартарошхона, матбуот тарқатиш шохобчаси, дорихона ҳам замонавий услубда қайтадан таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, автомобиллар сақланадиган гараж биносининг тўрт қавати тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, сиғими янада катталаштирилган. Куз-қиш мавсумида транспорт воситаларининг очиқ ҳавода қолиб кетишининг олдини олиш мақсадида бир қатор транспорт воситалари учун сақлаш жойи ва омборлар барпо қилинган. Ҳайдовчилар учун тўрт кишилик дам олиш хоналари жиҳозланган. Ёнилғи қуйиш шохобчаси, автомобилларни ювиш жойи ҳам қайта таъмирдан чиқарилган.

Бунёдкорлик ишлари билан танишар эканмиз, айрим ходимларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдик.

– ИИВ Марказий аппаратида 35 йилдан буён ишлайман, – дейди Автохўжалик ҳайдовчиси Шокир Содиқов. – Эрта тонгда ишга келиб, сув пуркайдиган автомашинада ҳовли ва бино атрофига сув сепаман. Сўнг менга бириктирилган автобусда йўлга отланаман. Автомобиллар сақланадиган гараж биносида ювиниш, овқатла-

# ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ



ИИВ вазиятлар маркази


Назорат-ўтказиш пункти


Марказий навбатчилик қисми

ниш, дам олиш учун барча шароитлар муҳайё.

Ички ишлар вазирлиги Марказий аппарати бино ва иншоотларининг тозалиги, озодалиги, саранжом-саришталиги учун Хўжалик бошқармасининг кўплаб ишчи-ходимлари меҳнат қилмоқда. Улар орасида узоқ йиллардан буён хизмат қилаётган фаррош Энажон Амитова ҳам бор.

– Ҳар бир бино мен учун қадрли, – дейди у. – Кейинги пайтларда бинолар ва уларнинг атрофи тубдан янгиланмоқда, янаям гўзаллашмоқда. Бу гўзалликни асраб-авайлаб, озода сақлашга оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бундай катта ўзгаришлар жараёнида, бир қарашда унчалик кўзга ташланмаса-да, аслида муҳим вазифани бажараётган Хўжалик бошқармасининг механик гуруҳи муҳандислари, чилангарлари ва бошқа ишчи-ходимларининг ҳам хизматлари беқиёс. Миробид Сотволдиев қарийб 40 йилдан буён бошқарманинг механик гуруҳида фаолият олиб боради. Дастлаб чилангар бўлиб ишлаган, ҳозир эса муҳандис бўлиб хизмат қиляпти. Унинг таъкидлашича, бинолардаги ҳаво ҳароратининг мўътадил бўлишида, иссиқ ва совуқ сув ҳамда электр энергиясининг узлуксиз таъминотида, шунингдек, муҳандислик тармоқлари таъмирланишида механик гуруҳи ишчи ва ходимларининг алоҳида хизмати бор.

Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш вазирлик раҳбариятининг доимий эътиборидаги масалалардан биридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида тизим ходимлари учун қурилаётган кўп қаватли уйлардан 726 нафар ходимга ипотека кредити асосида хонадонларнинг дастлабки бадали учун 18 миллиард сўмдан ошиқ маблағ фоизсиз қарз сифатида ажратилди. Ҳозирда яна бир қанча ходимларнинг ипотека кредити асосида уй-жой ажратилишини сўраб қилган мурожаатлари кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, ходимларнинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида уй-жойларини таъмирлаш учун Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғи асосида қарзга пул маблағи ажратилишини сўраб мурожаат қилган ходимларнинг билдиргилари тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, 179 нафарига энг кам иш ҳақининг 125 баравари миқдорида фоизсиз қарз (ссуда) берилди. 45 нафар ходимга эса Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси тасарруфидаги Қибрай туманида жойлашган уйлардан хизмат хонадонлари ажратилди.

– Молия ва моддий-техника таъминоти департаментининг канцелярия бошлиғи лавозимида фаолият юритаман, – дейди лейтенант Мухлиса Муратбекова. – Турмуш ўртоғим – сержант Асқарбек Муратбеков ҳам ички ишлар органи ходими. Уч нафар фарзандимиз билан умр йўлдошимнинг ота уйида тўртта оила бирга сиқилишиб яшардик. Бизга Сирғали туманидаги кўп қаватли тураржойдан ипотека кредити асосида уч хонали хонадон ажратилди. Вазирлик томонидан уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал пули тўлаб берилди.

ИИВ Хўжалик бошқармаси тасарруфида мактабгача таълим муассасалари ҳам болажонларимиз учун барча қулайликларга эга ҳолатда босқичма-босқич таъмирланмоқда. Шу билан бирга, бошқармага қарашли «Оқтош» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида жойлашган коттежлар ва ошхона биноси жорий таъмирланди.

Ички ишлар вазирлиги Марказий аппарати, унинг қуйи тизимларида яратилаётган янги-янги қулайликлар, шарт-шароитлар шахсий таркибнинг ўз касбига бўлган садоқати ва меҳрини янада оширишга хизмат қилади. Бу эса юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашда муҳим омил бўлади, албатта.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**



Китоб дўкони ва супермаркетнинг умумий кўриниши


Супермаркетнинг ички кўриниши






Автотураргоҳ

Абу КЕНЖАЕВ ва Акром ШАРИПОВ олган суратлар.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# СТРЕМЛЕНИЕ К ЧЕСТНОСТИ – ДОЛГ КАЖДОГО



**Абдулазиз РАСУЛЕВ,**
**и. о. профессора кафедры профилактики правонарушений Академии МВД Республики Узбекистан,**
**доктор юридических наук.**

**Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в своем Послании к Олий Мажлису 24 января 2020 г., обозначив главные цели и задачи внутренней и внешней политики государства, отметил: «Наш народ должен хорошо понимать: нам предстоит долгий и непростой путь. Если все мы сплоченно будем идти вперед, обретать современные знания, честно и плодотворно трудиться, то наша жизнь, все наше общество обязательно изменятся к лучшему». При этом глава государства подчеркнул, что «эффективность наших реформ во многом определяют четыре важных фактора – обеспечение верховенства закона, эффективное противодействие коррупции, повышение институционального потенциала и формирование сильных демократических институтов… Пока в борьбу с коррупцией не будут вовлечены все слои населения, лучшие специалисты, пока все наше общество не будет, образно говоря, привито «вакциной честности», мы не сможем достичь поставленных целей. От устранения последствий коррупции мы должны перейти к ее раннему предупреждению».**



Высказанные главой государства мысли, выдвинутые инициативы являются ориентирами деятельности органов внутренних дел. Возьмем, к примеру, честность как принцип работы стражей правопорядка.

Вначале рассмотрим само это качество. Честность – это совокупность позитивных поступков и действий, проявляющихся во всех сферах жизни. Великий ученый Махмуд аз-Замахшари говорил: «Честный и чистый человек всегда находится в мире спокойном, а тот, кто совершает зло, – в беде». Честный человек благонамерен, он верный и отзывчивый. Он зарабатывает на жизнь собственным трудом, добросовестно выполняя обязанности, творит добрые дела, чувствует ответственность за судьбу близких и соотечественников.

Это качество необходимо для достижения целей, поставленных перед органами внутренних дел. Так, в Законе Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» в числе основных задач ОВД определены защита прав, свобод и законных интересов граждан, обеспечение верховенства закона. Их реализация требует от стражей порядка высокого профессионализма, неподкупности, обязывает быть верными Родине, народу, служебному долгу, проявлять самоотверженность в службе.

Честность можно выработать путем формирования у сотрудников органов внутренних дел:

высоких духовно-нравственных и деловых качеств, сознательного отношения к выполнению служебного долга;

чувства личной ответственности за выполнение служебных обязанностей, уважения чести и достоинства личности.

Страж порядка, обладающий данными качествами, действует в интересах государства и его граждан, ставит заслон любым коррупционным проявлениям.

Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» от 27 мая 2019 г. гласит, что «решение стратегических задач по дальнейшему росту экономики, повышению благосостояния народа, улучшению инвестиционного климата в стране требует принятия новых системных мер по обеспечению эффективной реализации политики государства в сфере противодействия коррупции, а также устранению причин и условий коррупционных проявлений». Однако коррупционные проявления исчезнут только тогда, когда честность станет самым популярным и необходимым для всех членов общества качеством.

В связи с решением поставленных перед органами внутренних дел задач по искоренению коррупции руководство системы проводит большую и кропотливую работу по выявлению фактов злоупотребления служебным положением, взяточничества, мздоимства. Честные стражи правопорядка, благодаря которым вскрываются подобные факты, поощряются. В то же время неблагонадежные сотрудники, порочащие своими действиями образ доблестного правоохранителя, несут заслуженное наказание.

Честными должны быть не только сотрудники правоохранительных органов, но и граждане страны. Ведь взятку государственным служащим предлагают обычные люди, пытающиеся таким путем решить проблемы в обход установленных законов. Каждый член общества должен стремиться жить честно, достойно и призывать к этому других. Только тогда можно будет построить развитое демократическое государство.

Безусловное выполнение каждым сотрудником органов внутренних дел служебного долга – «Служить интересам народа» напрямую связано с добросовестным выполнением возложенных обязанностей, чувством ответственности за конечный результат работы.

В системе Министерства внутренних дел уделяется огромное внимание работе с молодыми и перспективными кадрами, что дает свои плоды. Молодое поколение сотрудников органов внутренних воспитывается в духе сопричастности к судьбе народа, честности и неподкупности, преданности клятве Родине. И эта работа не может быть остановлена ни на минуту. При этом важно поощрять молодых людей за их достижения, назначать на руководящие должности знающих, честных и преданных делу стражей порядка.

Таким образом, можно сделать вывод, что в основе деятельности сотрудников органов внутренних дел лежат справедливость и честность. Именно эти качества, так же, как и добросовестность и профессионализм, лежат в основе данной каждым сотрудником клятвы на верность Родине, Президенту, народу. Эти нравственные качества – фундамент этических норм стража порядка.

Для того чтобы честность стала основным критерием работы каждого сотрудника системы, необходимо:

– осуществлять тщательный отбор кандидатов на службу в ОВД;

– создать эффективную систему подготовки неподкупных, креативно и самостоятельно мыслящих, ответственных и инициативных, преданных Родине и народу кадров, тщательно освоивших передовые методы управления;

– поощрять воспитание честности в сотрудниках ОВД, вести бескомпромиссную борьбу с недобросовестностью и бесчестием.



НАШИ ГЕНЕРАЛЫ

# О доблести, о подвигах и славе



**Михаил Аронович Симонов родился 17 мая 1924 года в городе Никополь Днепропетровской области Украины. В 1944 году он пришел на службу в Андижанское областное управление внутренних дел, работал оперуполномоченным отдела по борьбе с хищениями Министерства внутренних дел республики, начальником управления министерства.**

15 августа 1973 года Михаил Аронович был назначен министром внутренних дел Каракалпакской АССР и прослужил в этой должности до 20 августа 1976 года.

Его богатый опыт по предупреждению и борьбе с преступностью, раскрытию совершенных преступлений и охране общественного порядка распространялся по всей республике. Труд М. Симонова, его вклад в укрепление законности были достойно оценены – его несколько раз награждали нагрудными знаками МВД Узбекистана и Верховного Совета Каракалпакстана. Он завоевал глубокое уважение среди народа Каракалпакстана и сотрудников органов внутренних дел республики.

Генерал-майор Михаил Аронович Симонов за годы работы министром внутренних дел успел сделать многое. Под его руководством в течение одного года недалеко от старого двухэтажного здания МВД Каракалпакстана были возведены дополнительное четырехэтажное здание, спортивный и актовый залы. Строительством нового трехэтажного здания Государственной автоинспекции (ныне Государственная служба безопасности дорожного движения) Каракалпакстана он руководил в то время совместно с начальником отдела Государственной автоинспекции МВД Каракалпакстана капитаном Сагием Палуановым.




М. Симонов всегда интересовался жизнью ветеранов, сотрудников и вольнонаемных служащих, активно их поддерживал.

По личной инициативе Михаила Ароновича Симонова был организован Музей боевой и трудовой славы МВД Каракалпакстана, открытие которого было приурочено к 30-летию Победы во Второй мировой войне. Для создания экспозиции была сформирована комиссия из числа ветеранов, хорошо знавших историю ОВД. Они собирали документы, фотографии, личные вещи, форменную одежду ветеранов, долгие годы проработавших в районных и городских подразделениях ОВД и вышедших в отставку, писали запросы в областные управления внутренних дел Узбекистана.

Для размещения экспозиции Музея боевой и трудовой славы он освободил два служебных кабинета – свой и заместителя министра генерал-майора Р. Саитбаева. Там было выставлено 950 экспонатов.

Музей внес вклад в изучение богатой истории органов внутренних дел, способствовал развитию у сотрудников чувства патриотизма, уважения к ветеранам.

Позже возглавить музей было поручено ветерану органов внутренних дел Н. Таумуратову. Он находил исторические документы, связанные с деятельностью ОВД Узбекистана и Каракалпакстана, в архивах Жокаргы Кенеса, государственных архивах, библиотеке в Москве, архиве диссертаций в городе Химки (Россия), архивах МВД Казахстана и пополнял музей новыми экспонатами. В данный момент, по итогам заключительной инвентаризации, здесь имеется 10 800 экспонатов.

Организованный по инициативе генерал-майора М. Симонова музей и по сей день служит народу Каракалпакстана, сотрудникам органов внутренних дел.

В 2010 году музей переехал в новое здание. В оборудование корпуса, предназначенного для размещения экспозиции, большой вклад внес весь личный состав министерства, а также руководитель музея – кандидат исторических наук, председатель Совета ветеранов МВД Каракалпакстана подполковник в отставке Н. Таумуратов и заслуженный юрист Республики Каракалпакстан полковник в отставке О. Турдаков, который в то время являлся министром внутренних дел Республики Каракалпакстан (сегодня он – советник министра внутренних дел Республики Каракалпакстан). Были выделены помещения, музей пополнился экспонатами, посвященными сотрудникам, погибшим при исполнении служебного долга.



В соответствии с обращением МВД Республики Каракалпакстан к правительству автономной республики постановлением Совета Министров Республики Каракалпакстан 10 марта 2018 года Музей боевой и трудовой славы был реорганизован в общественный Музей истории органов внутренних дел.

Сегодня в нем размещены материалы и фотографии, рассказывающие о борьбе с преступностью и восстановлении народного хозяйства Каракалпакстана, документы, повествующие об истории создания ОВД республики. Музей является собранием исторического наследия республиканского масштаба. Благодаря его экспозиции воссоздается летопись органов внутренних дел, славный путь, пройденный стражами правопорядка Каракалпакстана. Музей часто посещают учащиеся школ и лицеев, высших и средних специальных образовательных учреждений.

Здесь проводятся торжественные мероприятия, организуемые МВД Каракалпакстана, акции «Наставник-ученик», принимают торжественную присягу молодые правоохранители, провожают на пенсию ветеранов.

Музей истории внутренних дел Республики Каракалпакстан служит повышению уровня духовности стражей порядка, изучению богатой истории органов внутренних дел. Он пополняется новыми экспонатами, знакомит широкую общественность с работой органов внутренних дел, пропагандирует деятельность правоохранителей, воспитывает в сотрудниках уважение к наставникам, верность Родине.

В музее имеются фотографии генерал-майора М. Симонова – основателя музея. Память о нем навсегда сохранится в сердцах сотрудников органов внутренних дел Республики Каракалпакстан.

**Ислом АХМЕДОВ,**
**заместитель министра внутренних дел Республики Каракалпакстан, полковник.**

ИИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

# МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Бутун дунёда турли зиддиятлар кучайиб бораётган, хусусан, юртимизда давом этаётган карантин шароитида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.**



**Ғайрат АБДУЛЛАЕВ,
ИИВ Сирдарё академик лицейи директори, майор.**

ИИВ академик лицейларида ўқув-тарбия жараёни ўқувчиларни ички ишлар органларига касбий йўналтиришни ҳамда уларни Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларида ўқишини назарда тутадиган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Ўқувчиларни чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, интеллектуал ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ИИВ академик лицейлари фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

Лицейимизда жорий йилнинг март ойидан бошлаб барча дарс машғулотлари масофавий таълим тизимига ўтказилган. Ўқувчиларнинг бу жараёнда давлат таълим стандартлари бўйича таълим олишларидан ташқари, ҳар бир ўқувчининг индивидуал қизиқишлари ва қобилиятларидан келиб чиқиб, уларнинг иқтидорини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис ИИВ Сирдарё академик лицейида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ёшларимизни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларида дастуруламал вазифасини ўтаб келмоқда.

Масалан, карантин даври бўлишига қарамасдан, лицейнинг 3-босқич ўқувчилари **Моҳичеҳра Хурсанова** ва



**Севинч Қодирова**ларнинг биринчи китоби нашрдан чиқди. Худди шунингдек, рассомчилик йўналиши бўйича ижод қилиб келаётган **Озода Носирова** онлайн танловларда ўз ижод намуналари билан иштирок этиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. **Моҳичеҳра Хурсанова**нинг мақолалари Россиянинг «Студенческий вестник» журнали ва Боку халқаро конференцияси материаллари тўпламларида нашр этилгани ижодкор ўқувчиларимизни янада руҳлантирди.

3-босқич ўқувчиси **Жавоҳир Бойалиев** мусиқага бўлган қизиқишини гитара чолғу асбоби орқали намойиш этишни ёқтиради. У айни пайтда Сардоба сув омборида юзага келган техноген вазият жараёнида ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли ва шарафли хизматидан илҳомланган 2-босқич ўқувчиси **Шаҳноза Турғунова**нинг «Ички ишлар органлари азаматлари» номли шеъри асосида қўшиқ басталаш билан машғул.

Лицей ўқувчиларини жисмоний жиҳатдан чиниқтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 7 нафар ўғил-қизлар спортнинг ўқ отиш, дафкундо, қўл жанги турлари бўйича республика ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни қўлга киритишди.




Карантин даврида ҳам ўқувчиларнинг жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида ташкил этилган лицей гуруҳида йигитлар ўртасида онлайн спорт тўсинига тортилиш мусобақалари, қизлар ўртасида пресс машқлари мусобақалари ташкил этилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган спорт тўсинига тортилиш мусобақасида 1-босқич ўқувчиси **Искандар Нишонов** 30 та натижа билан биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, қизлар ўртасида бўлиб ўтган пресс машқлари мусобақасида 3-босқич ўқувчиси **Паризода Раҳматуллаева** 220 та натижа билан мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Лицейда компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш мақсадида интернет хоналари ташкил этилиб, ўқувчиларга дарс машғулотларини олиб боришда янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Информатика ва ахборот технологиялари соҳасида иқтидорли ўқувчилар рўйхати шакллантирилиб, улар билан онлайн тарзда дастурлашни ўргатиш бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этилган. Ушбу ишлар самараси ўлароқ, 2-босқич ўқувчиси **Нурбек Холматов** Халқ таълими вазирлиги томонидан жорий йилнинг май ойида ўтказилган «Информатика ва ахборот технологиялари» онлайн фан олимпиадасининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўқувчилар маънавиятини юксалтиришни назарда тутиб, телеграм ижтимоий тармоғида лицейнинг «Маънавият» канали ташкил этилди ва унга барча ўқувчиларнинг аъзолиги таъминланди. Ушбу канал орқали ҳар ҳафта мавзуси эълон қилиниб, ўқувчиларни юксак ватанпарварлик руҳида, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган тарбиявий комплекс ишлар ташкил этилмоқда.

Лицей Ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёш китобхон» ойлиги, олий таълим муассасаларига ўқишга тайёргарлик кўраётган ўқувчилар учун «Абитуриент китоби» ҳафталиклари ташкил этилиб, бу китобларнинг электрон нусхаси ёки аудиокитоб кўринишидаги нусхалари масофавий тарзда телеграм ижтимоий тармоғи имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ўқувчилар эътиборига ҳавола этиб борилмоқда.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш йўналишида ҳам лицей ўқувчилари аҳамиятга молик ишларни амалга ошириб келишмоқда. Жумладан, лицейнинг 3-босқич ўқувчилари **Чарос Абдукаримова, Моҳичеҳра Хурсанова, Севинч Ҳидоятова** каби қизлар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгашининг «Қизлар овози» клуби таркибида Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналиши бўйича ёшлар фаоллари этиб сайланган. Улар ёш хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда амалга оширишмоқда. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 15 май – Халқаро оила кунига бағишланган «Бахтли оила – бахтиёр келажак» шиори остида ўтказилган республика онлайн видеороликлар кўрик танловида 3-босқич ўқувчиси **Чарос Абдукаримова** «Тадбиркор оила – фаровон оила» мавзуидаги видеоролик билан иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, лицей ўқитувчилари томонидан ҳам карантин даврида муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, математика ўқитувчиси **Дилдора Одилова** томонидан «Илм, фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги онлайн илмий конференция тўпламида «Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейлар математикасида тригонометрия курсини ўқитиш методикаси» мавзуида илмий мақола нашр этилди. Бир сўз билан айтганда, масофий ўқитиш жараёнлари ўз мевасини бермоқда.




Архивдан олинган суратлар.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҲАЛОЛЛИК УЧУН КУРАШИШ КЕРАК

**Бир отлиқ кўчада тиланчилик қилиб ўтирган кишини кўриб, унга ёрдам қилишни дилига тугибди. Отини йўл ёқасига боғларкан, тиланчига тайинлабди: «Илтимос, биродар, отимга қараб туринг, ҳозир қайтаман, кейин сизни рози қиламан».**

*Одам ҳаром-ҳариш воситалар билан молу дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ҳалок бўлади. Ҳаромга берилган кимса ҳар одимда ҳаром еб, гуноҳ топгани каби ҳалолга интилган инсон ҳар ҳалолдан савоб топади.*
Тоҳир МАЛИК.

У қайтиб чиққанида от устида эгар йўқ эмиш, тиланчи ҳам қаёққадир ғойиб бўлганди. Отнинг эгаси танишидан янги эгар топиб беришини сўрабди. Кўп ўтмай, бозордан эгар келтиришибди. Бир муддат илгари йўқолган эгарини таниган отлиқ ҳожатини чиқарган кишининг бу анжомни кимдан ва қанчага олганлиги билан қизиқибди.

Танишининг гапларидан ўғри тиланчи эканлигини, эгар бир ярим тиллага баҳоланганлигини билибди. Шунда отлиқ: «Ҳалол ризқини ҳаром қилибди, отга қараб тургани ҳақига бир ярим тилла беришни ният қилгандим», дебди.

Бу ривоятда инсон тақдирида белгиланган ризққа, албатта, эгалик қилиши, аммо бу ризқнинг ҳалол ёхуд ҳаром бўлиши унинг ўзига боғлиқлигига ишора қилинган. Яъни, инсон ҳалол йўл билан кун кечириши, эътибор қозониши, икки дунёсини обод қилиши мумкин. Худди шундай, ҳаром йўлни танлаб, одамлар нафратига дучор бўлиш, охиратини куйдириш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Дарҳақиқат, қаерда ҳалоллик устувор бўлса, ўша жамият тараққиётга юз тутишини яхши биламиз. Айтайлик, олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари белгиланган тартиб-таомиллар асосида ўтказилса, яъни фақат иқтидорли ёшлар ўқишга қабул қилинса, таълим жараёнида муаллим шогирдининг қўлига қарамаса, малакали мутахассислар етишиб чиқиши тайин.

Табиийки, бундай ўқув муассасаларида таълим олган ўқитувчи ёшларни билимли қилиб тарбиялайди. Муҳандислик сирларини ҳалоллик билан эгаллаган меъмор мустаҳкам иншоотлар қуради. Худди шундай, юсак малакали шифокорга инсон иккиланмасдан мурожаат қилади. Тараққиётни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда жамоатчилик назоратини ташкил этувчи соҳаларнинг адолатли иш юритувисиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди.

Чунончи, ҳуқуқлари азият чеккан фуқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ҳақиқатни рўёбга чиқаришига, оммавий ахборот воситалари эса зарур пайтда таянч бўлишига ишонса, давлат бошқарувига ҳурмати ортиб бораверади. Ҳамма тизимларнинг шу тарзда ишлаши, пировардда ривожланиш учун хизмат қилади.

Бундай жамиятда инсоннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий талаб ва эҳтиёжлари тўла қондирилади. Хуллас, ҳалоллик давлат сиёсатининг устувор мақсади, тараққиёт йўлига айлансагина, жамиятга турли таҳдидлар, инқирозлар хавф солмайди. Инсонлар ҳаёти яхшиланиб бораверади. Аксинча, қонунлар ҳамда иқтисодий ва ижтимоий манбалар бир гуруҳ инсонлар манфаатига хизмат қилса, омманинг ҳаёти оғирлашади, норозилик кайфияти уйғонади.

Мутахассислар фикрига кўра, ҳалоллик, аввало, оилада, сўнгра таълим жараёнида бериладиган тарбия, эътиқод ҳамда шахсий ибрат йўли билан шакллантирилади. Ота-она фарзандни ҳалол бўлишга ундаш асносида ўзи ҳаром йўл билан пул топса, ўзганинг ҳақига хиёнат қилса, ҳалоллик ҳақида айтилган панд-насиҳатлар бола учун бир чақалик қадр-қиммат касб этмайди.

**Ҳар бир илғор жамиятда инсонлар ҳаётини белгиловчи тизимларнинг ҳалол ишлаши учун бор имкониятлар ишга солинади.**

**Ҳалоллик, аввало, оилада, сўнгра таълим жараёнида бериладиган тарбия, эътиқод ҳамда шахсий ибрат йўли билан шакллантирилади.**

**Коррупцияга қарши курашда жазо муқаррарлигини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.**

**Ҳалоллик давлат сиёсатининг устувор мақсади, тараққиёт йўлига айлансагина, жамиятга турли таҳдидлар, инқирозлар хавф солмайди.**

Аксинча, унда ҳаром йўл билан пул топиш мумкин, лекин буни тан олиш шарт эмас, деган мунофиқона фикр уйғонади. Теварагидагилар ҳаром йўл билан пул топаётганлигига гувоҳ бўлгани сари муҳитга мослаша боради. Қайсидир ишни битириш учун кимгадир пора бериши шартлигини ҳис этганида нопок йўлни меъёр сифатида қабул қила бошлайди. Оқибатда имкон бўлиши билан алдаш ёки мансаб ваколатидан фойдаланиш орқали ҳаром пул топишга интилади.

Бундай тартиб-қоидаларга асосланган жамиятга путур етади. Жумладан, билими ва салоҳияти йўқ инсон вақти келиб, пора ёки таниш-билишчилик ортидан қайсидир мансабни эгаллайди. Табиийки, бундай раҳбар шахсий фикрига эга, билимли, қонунга амал қиладиган, ҳар қадамда бошлиғининг хато фикрлаётгани ёки нотўғри топшириқ бераётганлигини билдириши мумкин бўлган ходимлар билан ишлашни хоҳламайди. Қолаверса, бундай кимсалар билимли жамоани бошқариш салоҳиятига ҳам эга бўлмайди.

Натижада жамоа асосини «салла», деса каллани оладиган билимсизлар ҳамда ҳар нега кўнгувчи «тилсизлар» ташкил қилади. Тўғри, уларни бошқариш осонлашади, лекин ишда кутилган унум бўлмайди. Аксинча, ноқонуний пул топиш имкониятлари кенгаяди. Энди тасаввур қилинг, бу жамоанинг фаолияти инсонлар тақдирига дахлдор бўлса, одамлар қай кўйга тушади?..

Шу маънода, ҳар бир илғор жамиятда инсонлар ҳаётини белгиловчи тизимларнинг ҳалол ишлаши учун бор имкониятлар ишга солинади. Жумладан, республикамизда сўнгги уч йилда коррупцияга қарши курашишга қаратилган ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди, масалага мамлакат тараққиётининг асосий омили сифатида ёндашила бошланди, десак, хато бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тизимини шакллантириш, давлат органлари масъулларининг ҳисобдорлигини ошириш каби қатор долзарб вазифаларни назарда тутади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашда жазо муқаррарлигини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ўзгаришларни сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида тарқалаётган қайсидир лавозимдаги раҳбарнинг пора олганлиги ёхуд қанчадир миқдордаги маблағни ўзлаштириши билан боғлиқ жиноятнинг фош этилганлиги тўғрисидаги материаллар миқдоридан ҳам сезиш мумкин.

Бу йўналишдаги хабарларда ички ишлар органлари ходимлари ижобий маънода тилга олинаётгани қувонарлидир. Яъни, соҳа вакилларига пора беришга уринишлар чиппакка чиқаётганлигига кўпчилигимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Хизмат вазифасига виждонан ёндашаётган, юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётган ходимлар ички ишлар органлари раҳбарияти томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. Вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганлар, тамагирлик йўли билан пул топишга интилаётганлар эса кечирилмаяпти. Масалага бундай ёндашув тизим нуфузини юксалтириш, ички ишлар органлари ходимлари имижини ошириш, таъбир жоиз бўлса, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир, десак, адашмаймиз.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак», дея таъкидлади. Дарҳақиқат, коррупциянинг олдини олиш учун барча имкониятлар ишга солинмоғи лозим. Зеро, бу тадбирлардан кўзланган мақсад мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафида кўриш, ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётини фаровон этиш, ҳуқуқларини мукаммал ҳимоялашдир. Бунга эса ҳалолликсиз, курашсиз эришиб бўлмайди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЖЕНЩИНЫ В ПОГОНАХ

# ОПЫТНЫЙ СПЕЦИАЛИСТ И НАСТАВНИК



**За плечами начальника организационно-контрольного отдела Организационного управления ГУИН МВД Республики Узбекистан полковника Евгении Викторовны Ланкевич 25 лет службы в органах внутренних дел.**

Многогранная деятельность подразделения, возглавляемого Евгенией Викторовной, предусматривает систематический контроль за своевременным и качественным исполнением мероприятий, предусмотренных текущими и перспективными планами, сбор, комплексный анализ отраслевой статистической, организационно-управленческой информации, а также мониторинг и прогнозирование деятельности системы ГУИН.

– В число задач, возложенных на наш отдел, входит осуществление целенаправленной деятельности по координации и обеспечению реализации управленческих решений, принимаемых на самом различном уровне, касающихся эффективного функционирования и дальнейшего совершенствования системы ГУИН МВД, – говорит полковник Ланкевич. – В процессе работы взаимодействуем практически со всеми подразделениями, находящимися в подчинении Главного управления, с отраслевыми службами МВД, а также с соответствующими правоохранительными структурами и государственными органами. Во многом именно на этой основе специалистами Главного управления разрабатываются обоснованные предложения руководству министерства по повышению эффективности функционирования системы исполнения наказаний, совершенствованию ее организационного построения, меры по внедрению надежных правовых механизмов соблюдения прав, свобод и законных интересов осужденных.

Евгению Викторовну коллеги ценят и уважают как опытного специалиста. Ее глубокие знания всегда востребованы. В составе рабочих групп и комиссий она постоянно участвует в разработке проектов документов, касающихся совершенствования нормативно-правового регулирования деятельности ГУИН и в целом системы исполнения наказаний.

– Работа в команде профессионалов всегда плодотворна, – делится Евгения Викторовна. – С удовлетворением хочу отметить, что вместе коллегами – начальником Организационного управления ГУИН подполковником Бахромом Мадиёровым, главным юрисконсультом подполковником Мариной Беловой, инспектором по важным делам подполковником Лолой Ахмедовой и др. принимали результативное участие в разработке и последующем сопровождении целого ряда проектов нормативно-правовых актов, в том числе законов, постановлений правительства, ведомственных документов, проектов международных соглашений, регулирующих сферу исполнения уголовных наказаний.

Несмотря на огромную загруженность, полковник Е. Ланкевич ведет большую общественную работу, много внимания уделяет работе с молодыми сотрудниками.

– Не устаю повторять своим ученикам: хотите состояться в профессии, неустанно работайте над собой, воспитывайте в себе организованность, постигайте опыт старших коллег, – отмечает наш собеседник. – Представитель органов внутренних дел должен быть личностью, четко осознающей значение таких понятий, как служебный долг, высокая ответственность.

«Высококвалифицированный специалист, способный эффективно решать поставленные задачи, наставник молодых сотрудников», – так отзываются о Евгении Викторовне ее коллеги.

– Евгения Викторовна – наш наставник, – говорит начальник военно-мобилизационного отделения майор Абдунасыр Авлешев. – К ней всегда можно обратиться за советом, она готова поделиться богатым профессиональным опытом, поддержать. Ее мнение как старшего товарища ценно для нас. Пользуясь случаем, хотел бы пожелать наставнику дальнейших успехов, чтобы каждый ее день был наполнен новыми начинаниями и свершениями.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент**
**«На посту».**

БЕЗОПАСНОСТЬ НА ТРАНСПОРТЕ

# Железная дорога – зона особого внимания

**Железная дорога – удобный и востребованный вид транспорта, которым каждый день пользуются миллионы людей. С закрытием границ, в связи с объявленной пандемией, сообщение было приостановлено, но работа по-прежнему продолжается.**

Так, в период карантина был осуществлен 71 рейс, благодаря чему более восьми тысяч наших соотечественников смогли вернуться домой из-за границы. Согласно статистике, основная часть – 4 260 человек – жители Самаркандской области, затем идут кашкадарьинцы – 2 485 и сурхандарьинцы – 1 420 пассажиров. Ответственность за безопасность каждого из них ложится на плечи сотрудников Управления по обеспечению безопасности на транспорте УВД Самаркандской области.

– Сотрудники управления сопровождают каждого гражданина, – поясняет первый заместитель Управления по обеспечению безопасности на транспорте УВД Самаркандской области майор Собит Муминов. – Кроме того, мы проводим регулярную оперативно-профилактическую работу по раннему предупреждению преступлений и правонарушений на вокзалах и станциях, устранению причин их совершения.

Как отмечает старший инспектор профилактики капитан Абдулла Ибрагимов, в период карантина были применены административные взыскания в отношении 155 граждан, нарушивших требования карантина. Инспекторами профилактики управления проводятся профилактические беседы, цель которых – уменьшение количества правонарушений, разъяснение требований карантина и правил поведения на железнодорожных путях. Но, несмотря на принимаемые меры и профилактические беседы, проводимые с населением, все же имеют место факты создания угрозы безопасности субъектов, участвующих в передвижении по железной дороге.






К примеру, некоторые жители домов, расположенных вблизи путей, не соблюдают правил: крупный рогатый скот пасут по обочинам полотна, граждане своевольно переходят рельсы в неположенном месте. Имелись случаи столкновения автомобилей с пассажирскими и грузовыми поездами на охраняемых и неохраняемых железнодорожных переездах.

Помните: железная дорога является зоной повышенной опасности, поэтому нужно быть предельно бдительными и внимательными.

**Соб. корр.**

НАУКА НА СТРАЖЕ ЗАКОНА

# ЛЮБАЯ ТАЙНА ПО ПЛЕЧУ

**Все-таки криминалистика – наука чрезвычайно интересная, а эксперты иной раз представляются едва ли не магами: с помощью лупы, микроскопов, химических препаратов, специальных средств, загадочных манипуляций они проливают свет на личность подозреваемого.**



Сегодня специалисты используют в своей деятельности столь совершенную технику и современные технологии, что проведение иных видов экспертиз занимает буквально несколько минут. Соответственно, повышается качество расследования, сокращается время, затрачиваемое на установление истины. Это значит, что виновному не удастся уйти от законного наказания, и права потерпевших будут быстро восстановлены.

Экспертно-криминалистический центр ГУВД г. Ташкента обладает большим потенциалом. Специалисты помогают следователю и дознавателю собрать неопровержимые доказательства причастности подозреваемого к совершению преступления, а сотруднику уголовного розыска – установить личность злоумышленника и задержать его. На вооружении экспертов имеются современные средства, новейшее оборудование, сложная оптическая, электронная и компьютерная техника – все, что позволяет обнаружить и изъять при осмотре места происшествия оставленные преступниками следы, провести сложнейшие исследования поступающих на экспертизу частиц, документов, материалов – того, что может составить доказательную базу. Кроме проведения традиционных видов экспертиз, в лабораториях ЭКЦ ГУВД осуществляют уникальные исследования химических составов и различных веществ, технико-криминалистические экспертизы документов, выполненные с использованием новых технологий. В центре ведется автоматизированный баллистический, дактилоскопический учет, а также учет по субъективным портретным признакам личности.










Но техника техникой, а такие качества настоящего профессионала, как внимательность, наблюдательность, грамотность, старательность и постоянное стремление к совершенствованию знаний и навыков актуальны так же, как и в пору становления криминалистической науки.

– В нашем центре работают высококвалифицированные специалисты, многие имеют до семи допусков на производство экспертиз и исследований и служат здесь десять и более лет, – говорит начальник ЭКЦ ГУВД столицы майор С. Пак. – Можно назвать опытных, грамотных специалистов, горячо любящих свою работу, таких как заместитель начальника ЭКЦ подполковник Н. Нематов, главный эксперт центра подполковник А. Сальников, начальник отдела специальных исследований подполковник К. Эргашев и других. Молодые начинающие эксперты равняются на них, перенимают не только опыт и навыки, но и учатся серьезному, вдумчивому отношению к работе, тщательному осмотру места происшествия и скрупулезному сбору следов, оставшихся на месте преступления, которые могут стать впоследствии неопровержимой уликой.



О случаях из практики ЭКЦ ГУВД Ташкента нам рассказал начальник отдела анализа и технического развития подполковник Алексей Рюмин.

В органы внутренних дел обратился управляющий одного из филиалов коммерческого банка, который находится в Мирабадском районе столицы, с целью проверить подлинность банкноты номиналом 100 долларов США. Оказалось, 18 мая в обменный пункт обратился мужчина средних лет с целью обменять 100-долларовую купюру на сумы. В ходе проверки у сотрудника банка появились сомнения в подлинности предъявленной банкноты. Экспертиза показала, что купюра действительно оказалась подделкой.

Иной раз работа экспертов бывает столь ювелирной, что не устаешь поражаться их профессионализму, восхищаться старанием и трудолюбием, вниманием к деталям и, на взгляд дилетанта, мелочам. Вот случай, свидетельствующий об этом. Ночью в Юнусабадском районе прохожие на улице наткнулись на некоего Толиба, лежащего в бессознательном состоянии, с колото-режущими ранениями. Вызвали «скорую помощь» и сотрудников УКД ОВД. Спустя пару часов потерпевший скончался, не приходя в себя. Казалось бы, в этой темной истории разбираться будет сложно. Однако эксперт-криминалист, входивший, как и положено, в состав следственно-оперативной группы, при тщательном осмотре периметра территории, где нашли раненого мужчину, обнаружил бутылку из-под водки. С нее были изъяты следы пальцев рук. Как выяснилось позже, обладателя «пальчиков» звали Кулмон, он был приятелем Толиба. В тот вечер их видели выходящими вместе из вино-водочного магазина. Кулмона нашли по горячим следам. Он сознался в содеянном.

Преступление, связанное с кражей личного имущества, также было раскрыто благодаря профессионально проведенной экспертизе специалистов Чиланзарского УКД ОВД. Произошло следующее. Житель Кибрайского района, 41-летний Яхьё Н. оставил свой автомобиль Lacetti Gentra на улице без присмотра и вошел в дом по своим делам. Мимо проходил Асрол Х. – любитель поживиться чужим добром. На улице никого не было, машина стояла без присмотра. Воспользовавшись ситуацией, злоумышленник аккуратно «вскрыл» автомобиль и выкрал из салона антирадар марки Monoko-S стоимостью 1 миллион 200 тысяч сумов и видеофиксатор марки Ifont, который стоил 500 тысяч сумов, и скрылся с места происшествия. При тщательном осмотре авто эксперты сняли два отпечатка пальцев рук Асрола, и вскоре он был задержан.







Это лишь некоторые эпизоды деятельности сотрудников экспертно-криминалистического центра ГУВД г. Ташкента. Однако, думается, и этих примеров достаточно, чтобы заключить: грамотному специалисту любая тайна по плечу.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

БУГУННИНГ ГАПИ

# 30 КИШИЛИК ТЎЙ

## ёхуд «ҳотамтойлик», дабдабабозликка не ҳожат?!



### Саодатманд дамлар

Тўю тантана – орзу-ҳавaслар ушаладиган саодатманд дамлар. Барча ёшларга бахт тилайди. Икки ёш биргалашиб, оила аталмиш ажиб сарой қуриш арафасида. Бу саройнинг пойдевори мустаҳкам, турмушнинг зилзилаю селларига бардош берадиган пишиқ бўлиши керак. Саройнинг пойдевори – ибо, ҳаё, ғиштлари – сабр ва матонат, девори имон, томи – ақлу фаросат, безаклари – меҳр, эзгуликдан яралмоғи лозим. Бир-бирига талпинган икки кўнгил оила деб аталган муқаддас даргоҳга қадам қўяркан, қалбларидаги бир-бирига ишонч, қатъият қаршисида тиз чўкиб, ҳам шаръий, ҳам расмий никоҳланадилар.

Неъматларнинг энг сарасини тўй дастурхонига қўямиз, энг чиройли либосларимизни шу куни киямиз. Жонлиқ сўйилиб, дошқозонларда ширин таомлар пиширилади, шу кутлуғ кунга атаб янги уй жиҳозлари сотиб олинади, уйларимизга янги гиламлар тўшалади. Хуллас, тўй куни жамики эзгу орзу-ҳавасларимиз тантана қилади.

### Тўй тўйдек бўлсин...

«Маҳаллада дув-дув гап» фильмини севмайдиган, мириқиб томоша қилмайдиган одам топилмаса керак. Унда ўз ролини маромига етказиб ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Марям Ёқубованинг «... Ҳа, ўнта қўй нима бўлади? Тўй тўйдек бўлсин, маҳаллада дув-дув гап бўлсин, дейман!» деган сўзларини эшитиб кулиб қўямиз.

Эътибор билан кузатаётган бўлсангиз, тўйлар, маъракаларга йилма-йил, даврма-давр турфа «янгиликлар» қўшиляпти. Бу билан анъаналарни бойитаётгандекмиз, гўё. Бироқ ўзимизга ўзимиз муаммоларни янада кўпайтирмаяпмизмикин?..

Маросимлардаги исрофгарчиликларнинг олдини олиш, «ҳотамтойлик»ка барҳам бериш, тантаналарни ортиқча харажатларсиз, ихчам, чиройли ўтказиш масаласи ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Бироқ айрим шахсларнинг ўзлари халқнинг кўз ўнгида дабдабали тўй қилаётганлиги боис оддий одамлар ҳам уларга эргашиб, дўпписи тор келишига қарамасдан, тиришиб-тирмашиб, дабдабали тўй қилиш орзусига тушиб қолмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда «Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз», деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Ўзбек халқини тўй балосидан қутқаринг!» деб даъват қилган бўлса, Беҳбудий бобомиз 100 йил олдин «Бизни кемирувчи иллатлар» сарлавҳали мақоласида тўй ва маъракаларни назарда тутиб, «Биз на учун худо ва расул сўзиға ва ўзимизни наъфимизга амал қилмаймиз. Биз нима девонами?» дея киноя қилган эди.

### «Гулянка»дан қон босимигача...

Тўйларимиздаги яна бир кўнгилни хира қиладиган одат – ёшларимиз тилида «Гулянка», яъни «тўй сайри» маросимидир. Бу маросим ҳаётимизга қандай кириб келган?

Ёши улуғларимиз яхши билишади, бундай маросим аввал ҳам бўлган, бироқ ҳозиргидан мутлақо бошқача, миллий қадриятларимизга мос равишда бўлган. Яъни, илгари келин аравада, кейинчалик машинада янгалари ва дугоналари қуршовида узатиб борилган. Йўл-йўлакай бахт ва муҳаббатни, гўзал ҳаётни мадҳ этувчи қўшиқ ва лапарлар куйланган.

Ўтган йили пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида яшайдиган танишимизнинг бетоб бўлганлиги сабабли уни йўқлаб, ҳол-аҳвол сўраш мақсадида хонадонига бордик. Қўшниларидан бирида тўй бўлаётган экан. Кўп қаватли уйларга кирувчи йўлак шарлар жамламасидан чиройли безатилган бўлиб, шойи ипак тўртинчи қаватгача чўзилган. Бир зумда 15 тача қора рангдаги ҳашамдор «Range Rover» жип русумидаги автомашиналар қатор тизилиб, йўлни тўсиб қўйди. Биз нақ 35 дақиқа атоуловлар «кортежи»нинг чиқиб кетишини пойладик. Катта йўлда икки қатор бўлган «Тўй карвони» йўловчи автомашиналарга ҳам йўл бермайди. Униси ҳам майли, ўша «Тўй карвони»нинг қулоқни қоматга келтиргувчи сигналларидан ҳалиги танишимизнинг қон босими янада кўтарилса бўладими? Ана сизга томоша, мана сизга тўй-ҳашам!

### Ҳуқуқий асос

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг ўтказилган қўшма мажлисида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари парламент аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тадбирларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар вақти, иштирокчилар сони белгиланди.

Оилавий тадбирларнинг дабдабасиз, камхарж ва ихчам, шунингдек, Низом талабларига мувофиқ ўтказилиши учун, биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Эндиликда, тўй маросимларида миллий анъаналаримизга зид бўлган, ортиқча дабдабозлик, турли тўйолди тадбирлари, яъни «танишув», «сеп ёйди», «қуда таниш», «қуда чақирди», «тоғора юбориш», «чаллари», «куёв чақирди», «куёв навкари», «келин навкари» ва бошқа маросимларга, шунингдек, «пул сочиш», ғарб маданиятига хос бўлган одобсиз шоулар, «севги тарихи» («Love store») каби маънавиятимизга тўғри келмайдиган ҳолатларга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз томонидан тўй ва маросимлардаги дабдабабозлик, кимўзарлик, бойлигини кўз-кўз қилиш, қудалар ўртасидаги турли расм-русумларга чек қўйиш орқали салбий ҳолатлар олди олинади ҳамда буларнинг оилавий ажримлар камайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

### Кимга тўй, кимга аза?

Тўй қилиш бугун хурсандчилик қилиш, кўпчиликка ош бериш билан эл олдидаги ўз фарзини бажаришдек туюлади. Бироқ иқтисоди танг, камхарж оилалар учун бу ҳақиқий фожиадан бошқа нарса эмас.

Яна бир воқеа, водийлик бир дўстимизнинг акаси тўй қилиш, халққа ош бериш мақсадида Россия Федерациясига ишга кетган экан. Орадан кўп ўтмай, унинг ўзга юртларда бетоб бўлиб, охири вафот этганлиги маълум бўлган.

Ҳамқишлоқларининг айтишича, тўйга катта миқдорда қарзга пул олган ва уни қайтариш учун хорижда пул ишлайман, деб, оч-наҳор қийналиб, зўрға пул топиб, қайтиш арафасида касал бўлиб оламдан ўтади. Шу ўринда, «Пешонасида бор экан, тақдири азал», дейишингиз мумкин. Биргина тўй машмашаси, деб, қарзга ботиб, ўзга юртлардан тобути келса, жуда қайғули. Чунки бир қўёшдан баҳра олган, бир мамлакатда яшаган, тақдир сўқмоқларидан адашган юртдошимизга юрак-юракдан ачинади киши.

Бугун юқоридаги салбий ҳолатларни, тўйлардаги исрофгарчилик, дабдабабозликка бир-икки кишини айблаш адолатдан эмас, албатта. Бутун жамоатчилик, маҳалладаги фаоллар, имом-хатиблардан тортиб, ушбу йўналишда масъул барча мутасадди ташкилотлар бир қатор амалий ишлар олиб бормоқда.

### «Пулдорлар» ҳам кўнишяпти

Дунёдаги 60 миллионга яқин одам коронавирус пандемияси туфайли ўта камбағаллашади. Бу ҳақда Жаҳон банкининг раҳбари Дэвид Малпасс маълум қилди. Жаҳон банкининг таърифига кўра, кунлик даромади 1,9 доллар ва ундан паст бўлган одамлар «ўта камбағал» ҳисобланади.

Мамлакатимизда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги этиб қайта ташкил этилди.

Президентимиз ўз чиқишларида «Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак», деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, пандемия кўпчиликни меҳр-оқибатли бўлишга, саховат кўрсатишга, вақтни, инсонларни қадрлашга ўргатди ва ўргатмоқда. Республика махсус комиссияси «яшил» ҳудудларда 30 кишилик тўйлар ўтказишга рухсат берди. Ижтимоий тармоқларда 30 кишилик тўй ўтказаётган юртдошларимиз бу қанчалик қулай ва чўнтакка ҳам оғирлик қилмаётганини қувонч билан айтишмоқда.

Оёғи ердан узилган пулдорлар, «Пул ўзимники, уни хоҳлаганча сарф этаман», дейдиганлар ҳам бирин-кетин вазият тақозосига кўра, аста-секин кўникишяпти.

### «Уч сўм пул, бир каллақанд, битта мулла, вассалом»

Севимли фильмларимиздан бири «Аршин мололон»даги бир эпизодни эслайсизми? Уйланиш учун «Уч сўм пул, бир каллақанд, битта мулла, вассалом» дейилади. Балки, бу сўзлар бугунги тўйларимиз, уйларимиз учун айтилгандир...

Яқинда қариндошимиз ўғлини уйлантириш мақсадида 4–5 эркак билан бориб келиннинг уйида фотиҳа қилиб келишди. Энг ажабланарлиси, шу куни келиннинг отаси уйда жами йиғилган 20 нафар эркакка ош тадбирини ҳам ўтказибди. Тўй куни белгиланиб, ҳовлида 30 кишилик жой қилинадиган бўлибди. Бундай ихчам тўй ким ўзарлар, фалон пулга келадиган «таниқли» санъаткорларга, дабдабали қимматбаҳо машиналар ва мебелларга кучи етмайдиган баъзи ҳамюртларимизнинг жонига оро кириши шак-шубҳасиз. Дарвоқе, кейин билсак, тўй эгалари иқтисод қилинган пулга икки ёш учун ипотека кредитининг дастлабки бадал суммасини тўлашибди. Мана сизга ихчам тўйнинг афзалликлари.

Ихчам тўйлар афзалликлари ҳақида гапирарканмиз, аввало, хонадон соҳиби ва соҳибалари ўзларини ортиқча ўққа-чўққа уришмайди. Бир сўз билан айтганда, тўйдан кейин бошини қашиб, қийналишмайди. Тўйга кетадиган, дабдабабозликка сарфланадиган харажат икки ёшнинг кам-кўстини тўлдиришга бемалол етади. Энг муҳими, шу орқали камбағалликни қисқартиришга имкон яралади.

Шундай экан, «ҳотамтойлик», дабдабабозликка не ҳожат?! Биз фикр бердик, мулоҳаза қилиш Сиздан...

**Бернора САДИКОВА,**
**полковник.**

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**майор.**



## SOVG'A

Doniyorning tug'ilgan kuni edi. Mehmonlar turli-tuman o'yinchoqlar ko'tarib kelishdi. O'zi yuradigan, gapiradigan, musiqa chaladiganidan... Bolalar o'yinchoqlarni biri olib, biri qo'yib rosa o'ynashdi. Axiyri zerikishdi. Shu payt bolalardan birining ko'zi kitobchaga tushib qoldi. Sovg'alar orasida kitobcha ham bor edi. Birdan u talash bo'lib ketdi.




– Ber menga...
– Men o'qishni bilaman.
– Voy, rasmiyam borakan.
– E, to'xtab tur, yirtasan.
– Sen o'yinchoq o'ynay qol.
– Yo'q.

Afsuski, talash bo'layotgan bu aziz sovg'a bor-yo'g'i bir donagina edi...

**Erkin MALIK.**

# BOLAJON
## SAHIFASI

## «Tirnog'ingni g'ajima!»



Ayrim bolalarda tirnoq tishlash odati bor (ilmiy tilda onixofagiya deb ataladi). Ba'zi ota-onalar farzandida paydo bo'lgan yoqimsiz odatga keraklicha e'tibor bermaydi. Shunchaki bolani tengdoshlaridan faqatgina salbiy odatlarni «ko'chirish»da ayblashadi, xolos. Bolalar hayotida onixofagiyaga olib keladigan darajadagi stresslar bo'lmaydi, deb hisoblashadi. Biroq biz kattalar uchun unchalik ahamiyatli bo'lmagan narsalar ham bola uchun alohida ahamiyat kasb etishini unutmaslik lozim.

O'ylab ko'ring, bolakayning kundalik hayoti qiziqarli ishlar, quvnoqliklarga qanchalik boy? Farzandingizga haddan ziyod qattiqqo'l emasmisiz? Bo'lar-bo'lmasga tergamaysizmi, jazolamaysizmi? Qanchalik band bo'lsangiz ham farzandingizga vaqt ajratib, u bilan dildan gaplashing, bola bo'lib o'ynang, kuling. O'z his-tuyg'ularini to'g'ridan-to'g'ri ifodalashga o'rgating. Unda agressiya yig'ilib qolmasligiga harakat qiling.

Oilada ota-onalarning kayfiyati va o'zini tutishi bolalarning asab buzilishlariga ham sabab bo'ladi. Kichkintoylar xavotiringiz, bezovtaligingizni sezadi. Bunday vaziyatda farzandingizdagi tirnog'ini tishlayverish odatini yo'qotish uchun, avvalo, o'zingiz o'zgarishingiz kerakligini unutmang.

Tibbiyot nuqtai nazaridan qaraganda, muntazam ravishda tirnog'ini tishlaydigan bolaning og'iz bo'shlig'i infeksiya o'chog'iga aylanadi. Bu esa stomatit, faringit, angina kasalliklari xavfini oshiradi. Turli teri infeksiyalariga chalinuvchan bo'lib qoladi. Chunki onixofagiya bakteriya, virus va gijjalarning organizmga kirishi uchun yo'l ochadi. Ayrim hollarda tirnog'ini tishlashga odatlangan bolada ruhiy muammolar ham yuzaga kelishi mumkin. Shu bois sizning farzandingiz tirnog'ini tishlasa, bu odatmi yo kasallik ekanini aniqlash uchun o'z vaqtida bolalar psixoterapevtiga murojaat qiling.



## OTAJONIM

*Ustunsiz uyimizga,*
*Mehr to'la otamsiz.*
*Yaraysiz kunimizga,*
*Boshimizda osmonsiz.*

*G'amxo'rsiz hammamizga,*
*Sabrdir shioringiz.*
*Qaraysiz ko'nglimizga,*
*Omon bo'lsin boshingiz.*

*Akalarim ko'makchi,*
*Onam doim hamrohdir.*
*Yaxshilikdan darakchi,*
*Mehr har nega qodir!*

*Qizingizman, erkatoy,*
*Ardoqlovchi otasin.*
*Havas qilsin ko'kda oy,*
*Qalbingiz nurga to'lsin!*

**Sarvinoz NARBAYEVA,**
**Nukus shahri.**

## QIZIQARLI TOPISHMOQLAR

Neki bo'lsa dasturxonda
Barisini talaydi.
Indamasdan,
Qo'yib bersang,
O'zingni ham yalaydi.

(Ay)

Parraksiz ham osmonda
Parvoz etaman.
Tortmasangiz ipimdan
Oyga yetaman.

(Varrak)

Yorib oppoq uychasin
«Chip-chip» deb qo'ydi.
Chuvalchangni cho'chimay
Cho'qip yeb qo'ydi.

(Jo'ja)

Chiq-chiq boradi,
Chiq-chiq keladi.
Ikkisi bir tomon
Quvalashib yuradi.

(Soat)



## «LINDA» – MENING DO'STIM



**Dilnura JO'RABOYEVA:**

– Mening dadam Elyor Annaqulov kinologiyada veterinar bo'lib ishlaydi, uy hayvonlarini davolaydi. Itlar bilan oson «til topishadi». Ularni parvarish qiladi, kasal bo'lsa, davolaydi, hatto ukol ham qilganini ko'rganman. Uyimizda ovcharka itimiz bor, laqabi «Linda». Men uni juda yaxshi ko'raman, u bilan birga o'ynayman. «O'tir», «Tur», «Yonimga kel», desam, aytganimni bajaradi. Koptogimni uzoqqa uloqtirsam, tishlab olib keladi. O'rtoqlarimning «Linda»ga juda havasi keladi, uni ko'rgani chiqishganda pechen'e, kolbasalar bermoqchi bo'lishadi. Dadam bunday yeguliklar berishni taqiqlab qo'ygan. Chunki «do'stim» kasal bo'lib qolishi mumkin. Uni doim ehtiyot qilaman.

## MOHIR QO'LLAR



Ko'pchilikning nazarida kerakmasdek ko'ringan narsalardan ham ajoyib, qiziqarli buyumlar yasash mumkin. Agar oddiy qopqoqlardan foydalanib nimadir yasash mumkinligini bilsangiz, ishonamizki, hech qachon ularni tashlab yubormay, yig'ib borasiz va o'zingizga yoqqan narsalarni yasaysiz. Ish stolingizda qopqoqlar, yelim, rangli karton, qalam, qaychini tayyorlab turing. Chunki ular quyidagilarni yasashda kerak bo'ladi.







## QUVNOQ LATIFALAR

O'qituvchi bolalarga oy haqida hikoya qildi:

– Oy juda katta sayyora. U yerda milliondan ziyod odamlar yashashi mumkin.



– Menda bir savol bor, – dedi bir o'quvchi.

– Xo'sh, nima deysan?

– Oy yarimta bo'lib qolganda odamlar qanday sig'ishadi?

* * *

Bolasini olib ketish uchun bog'chaga kelgan ona tarbiyachi o'rindiqda uxlab yotganini, bolalar esa maydonchada bir o'zlari telefon o'ynab o'tirishganini ko'rib jahli chiqib ketibdi.

– Bu nimasi? Hamma bolalar qochib ketishadi-ku, – deb tanbeh beribdi.

– Xavotir olmang, ular hech qaerga ketishmaydi. Chunki Wi-Fi faqat bog'cha hovlisida ishlaydi, – dermish.

* * *

O'qituvchi tozalik, ozodalik mavzusidagi darsini o'tib bo'lgach, o'quvchilardan so'radi:

– Xo'sh, uyimizni nega toza tutishimiz kerak ekan?

– To'satdan mehmon kelib qoladi, shuning uchun, – deyishibdi bolalar.

**Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.**

Postda
На посту

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:



# ОТКРЫТЫЙ УРОК НА АЛЛЕЕ ЛИТЕРАТОРОВ

**Как отметил в своем Послании Олий Мажлису Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев: «Первостепенное значение имеет развитие духовно-нравственного мира наших людей, особенно молодежи. Поэтому важнейшей задачей для нас является ее воспитание на основе идеи: «От национального возрождения – к национальному прогрессу», в духе патриотизма, преданности Родине».**

В конце мая курсанты Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан посетили Аллею литераторов, расположенную в Национальном парке им. Алишера Навои. Здесь прошел открытый урок с участием военнослужащих и курсантов данного образовательного учреждения.



В центре внимания находилась личность известного полководца и литератора Захириддина Мухаммада Бабура. Тема урока: «Бабур – государственный деятель и полководец». Обсуждалось военное искусство и поэзия великого соотечественника, его вклад в культуру средневекового Востока. В ходе урока звучали стихи Бабура.

Безусловно, проведение подобных открытых уроков имеет большое значение для воспитания курсантов и подрастающего поколения в духе любви к Родине, изучения военного искусства наших прославленных предков.

Предполагается проводить такие мероприятия на постоянной основе.

**Ирина ДОЛГОВА,**
**доцент ВТИ**
**Национальной гвардии**
**Республики Узбекистан.**

# Спасенная жизнь



8 июня текущего года, примерно в 00.45 часов ночи, военнослужащие Национальной гвардии спасли жизнь тонущей женщине. Они несли службу на территории столичного Дворца искусств «Туркистон», расположенного недалеко от канала Анхор. Благодаря вовремя оказанной первой медицинской помощи жизнь соотечественницы была спасена.

Сотрудники оперативной группы, прибывшей на место происшествия, выяснили, что спасенная женщина является гражданкой З. Н., 1985 года рождения, проживающей в Учтепинском районе столицы.

Врачи «скорой помощи» диагностировали наличие у З. Н. психологического расстройства, вследствие чего она была направлена в больницу.

# НЕ ПОДВЕРГАЙТЕ СЕБЯ ОПАСНОСТИ!



**В связи с распространением коронавируса в нашей стране были введены карантинные меры. Несмотря на это, количество зараженных опасным вирусом растет. Виной тому во многом беспечность и безответственность некоторых граждан, не соблюдающих установленные правила.**

В целях предупреждения подобных фактов военнослужащие Управления Национальной гвардии по Республике Каракалпакстан проводят разъяснительную работу среди населения.

Сотрудники Национальной гвардии и органов внутренних дел осуществляют совместные рейды. Военнослужащие и стражи порядка официально предупреждают граждан о необходимости соблюдения карантинных норм, к нарушителям принимаются меры в соответствии с установленными требованиями. Рейды продолжаются.

# Оберегая женские судьбы

***«Сотрудники, тесно работающие с населением, должны глубоко знать психологию, помогать и заботиться о людях. Необходимо изучать проблемы молодежи, женщин, ступивших на путь преступления, оказывать им помощь через ответственные организации, моральную поддержку. Только так изменится их мировоззрение, будет результат».***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



Эти слова главы государства – ориентир для каждого сотрудника, ежедневно общающегося с гражданами, работающего с населением.

На сегодняшний день в системе Национальной гвардии трудятся женщины-сотрудницы, а также психологи, которые способствуют предупреждению преступности и фактов суицида среди представительниц прекрасного пола, проводят профилактическую работу с целью устранения семейных проблем.

Узбекская женщина скромна. Она не расскажет постороннему мужчине о душевной боли, мучающей ее, но откроет сердце защитнице, готовой помочь, имеющей правовые знания, обладающей жизненным опытом. Так сегодня решаются многие проблемы и сложности, с которыми сталкиваются женщины.

Деятельность психологов дает положительный эффект как в работе с женщинами и несовершеннолетними, так и с лицами, склонными к совершению правонарушений. Специалисты проводят индивидуальные беседы, благодаря которым восстанавливается психическое и душевное состояние граждан.

Чтобы правильно оценить внутренние мотивы человека, оказать положительное влияние на его психологическое состояние, сотрудники сами должны быть уравновешенными, устойчивыми к внешним влияниям, иметь крепкую нервную систему. В связи с этим, с военнослужащими Национальной гвардии регулярно проводится работа по психологической подготовке.

В частности, в Управлении Национальной гвардии по Андижанской области ведется консультирование, организовываются тренинги по оказанию позитивного влияния на граждан во время общения с ними. В ходе тренингов психологи формируют у военнослужащих навыки диагностики, предупреждения и оптимального разрешения конфликтных ситуаций, возникающих в процессе работы с населением.



Данная практика нацелена на дальнейшее укрепление доверия граждан к сотрудникам Национальной гвардии.



**Нозима МАХМУДОВА, лейтенант.**
**Нафосат ЗАФАРОВА, рядовая.**

ТЕМА СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ

# ВСЕ ЗАВИСИТ ОТ НАШЕЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

**Благодаря своевременному введению карантинных мер в связи с распространением коронавируса в нашей стране поэтапно смягчается режим самоизоляции. Однако это не повод терять бдительность и осторожность.**



В связи с этим главными вопросами повестки дня являются обеспечение санитарно-эпидемиологического благополучия и безопасности, защита жизни и здоровья населения.

Подразделением по обеспечению карантинных мероприятий УППСиООП МВД Республики Каракалпакстан совместно с сотрудниками регионального ветеринарного ведомства и других компетентных органов реализуются практические меры по сдерживанию COVID-19.

За истекший период года они провели ряд профилактических мероприятий на рынках и торговых объектах, в местах проживания населения. В результате выявлено 113 административных нарушений ветеринарно-санитарного порядка, на нарушителей наложен штраф в размере свыше 16 миллионов сумов.

Инспектора профилактики выявили также 44 человека, нарушивших правила содержания собак. В их отношении были составлены административные протоколы, с нарушителей взыскан штраф в размере свыше 4 миллионов сумов.

– В период карантина граждане приобретают на рынках и в магазинах предметы первой необходимости. Наши сотрудники контролируют соблюдение санитарных правил в местах хранения продукции, торговли. Там, где возникает скопление народа, стражи порядка следят за соблюдением необходимой дистанции, наличием медицинских масок и перчаток. Они ведут разъяснительную работу. К примеру, объясняют, что в жару многие продукты питания, даже приготовленные дома, быстро портятся и могут стать причиной различных инфекционных заболеваний, потому следует быть внимательными при их покупке. Выяснилось, что несмотря на проводимые профилактические мероприятия, отдельные граждане торгуют приготовленной дома продукцией. Каждый такой факт оформляется в соответствующем порядке, по ним принимаются меры, – говорит командир группы по обеспечению карантинных мероприятий УППСиООП сержант Байрам Ибраимов. – Карантин – это испытание для всех нас, и срок его продления зависит от нашей ответственности. Правильная организация разъяснительной работы среди населения является одним из главных вопросов нашей деятельности.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Республика Каракалпакстан.*

СОСТАВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

# Что в пакете?

**Сотрудники органов внутренних дел продолжают работу по выявлению фактов незаконного изготовления, приобретения, хранения и других действий с наркотическими средствами и психотропными веществами.**

На территории МСГ «Мустакиллик» Аккурганского района Ташкентской области внимание сотрудников ОБДД ОВД Аккурганского района привлекло подозрительное поведение гражданина: заметив стражей правопорядка, он почему-то повел себя, так сказать, неадекватно, попытался скорее ретироваться.

Мужчина был остановлен сотрудниками для проверки. Им оказался местный житель Ж. А., 1988 года рождения. В присутствии понятых был осмотрен полиэтиленовый пакет, который он держал в руке. Как выяснилось, в пакете находились листья растения со специфическим резким запахом.

Гражданин был доставлен в РОВД, содержимое пакета в установленном порядке направлено на судебно-химическую экспертизу.

Согласно заключению экспертов, изъятое является наркотическим средством «марихуана» весом 620 грамм.

По данному факту следственным отделом при ОВД Аккурганского района возбуждено уголовное дело по ст. 276 УК Республики Узбекистан. Проводятся следственные мероприятия.

**Охунжон МУСТАФОЕВ,**
**специалист пресс-службы ГУВД Ташкентской области, рядовой.**



# «БЕС В РЕБРО»



**«Седина в бороду, бес в ребро». Так, осуждая поступок, совершенный мужчиной уже далеко немолодого возраста, говорили соседи и знакомые, когда узнали, каким порочным делом он занялся на старости лет.**

Сотрудниками ОУР ОВД №1 УКД ОВД Яшнабадского района города Ташкента в ходе проведения оперативных мероприятий был выявлен притон разврата.

Шухрат Рихсиев (здесь и далее имена и фамилии изменены), 1959 года рождения, действуя из корыстных побуждений, с целью наживы предоставил одну из жилых комнат своей квартиры, расположенной на массиве Тузель, парочке, желавшей, так сказать, «уединиться» – жителю Яшнабадского района 48-летнему Искандеру Казакову и 30-летней Барно Собировой, проживающей в Уртачирчикском районе столичной области. За предоставление «услуги» Рихсиев взял с «клиентов» 100 тыс. сумов, которые позже были у него изъяты в присутствии понятых.

По данному факту было возбуждено уголовное дело по ч. 2 ст. 131 («Сводничество или содержание притонов») УК Республики Узбекистан. Состоялся суд, на котором Ш. Рихсиев, признавая свою вину, клятвенно заверял: «Раскаиваюсь в содеянном и обещаю, что впредь такого не повторится». Однако у присутствовавших касательно подсудимого, произносившего слова раскаяния, сложилось мнение, которое лаконично можно выразить одной фразой: «Век дожил, а ума не нажил».

**Тимур ИСАНОВ,**
**лейтенант.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ЗАМОНАВИЙ ЎҒРИЛАР

### ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Ажаб замонлар бўлди-да. Ҳамма нарса онлайн. Уйингдан чиқмай туриб интернет орқали овқат буюртиришинг, коммунал хизмат ҳақларини тўлашинг, ҳатто буюмингни сотишинг мумкин. Фарғона вилоятининг Ўзбекистон тумани Онта табоғ қишлоғида яшовчи Аҳрор Ҳалимов ҳам интернетнинг «OLX. uz» сайтида ўзининг «Samsung Galaxy A8+»



русумли уяли телефонини сотиши ҳақида эълон берган эди, тез орада харидор топила қолди.

Пича савдолашишди. Охири, харидор телефон аппаратини 1,5 миллион сўмга сотиб оладиган бўлди. Пулни ўтказиб бериш учун Аҳрорнинг пластик карточкаси рақами ҳамда унга кириш ҳуқуқини берувчи махсус кодни сўради.

– Ҳисобингизга пул тушганидан сўнг, телефон аппаратини киракаш ҳайдовчилардан бирортаси орқали бериб юборарсиз, – деди.

Бу таклиф Аҳрорга маъқул тушиб, харидор сўраган маълумотларни айтди.

### ШОШҚАЛОҚЛИК ОҚИБАТИ

Андижон вилоятининг Балиқчи туманилик Жамол Акромов ҳам ўзининг «Huavei P-20 Lite» русумли уяли телефонини «OLX. uz» сайтида сотувга қўйган эди. Қўнғироқ қилган харидорлардан бири мўлжалидан кўпроқ пул таклиф қилди. 240 АҚШ долларининг дарагини эшитиб хурсанд бўлиб кетди. «Шу пулнинг ярмига битта уяли телефон сотиб олсам, ярми ёнимда қолади» хаёлидан ўтказди у. Шунинг учун харидор пулни сўмда тўлашига ҳам, пластик карточкасига ўтказиб беришига ҳам рози бўлди. Шошганидан ҳатто пластик карточкасининг рақамига қўшиб унга кириш ҳуқуқини берувчи махсус кодини айтганини ҳам билмай қолди. «Менга қара, ҳисобимга пул ўтказишинг учун сенга махсус кодимнинг нима кераги бор?» деб сўраш хаёлига ҳам келмади. Телефон аппаратини почта орқали харидорнинг манзилига жўнатиш учун ҳисобига пул тушишини кутиб юраверди...




### ҚОПҚОҚ ШАЙДОСИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида яшовчи Шерали Каримов чанқаб турганида «WF» ичимлиги сотиб олди. Тасодифни қарангки, салқин ичимликнинг қопқоғи ютуқли чиқиб қолди. Кўнгли бир нарсани сезгандай, қопқоқни чўнтагига солиб қўйди. Шундан сўнг ҳар гал чанқаганда «WF» сотиб оладиган бўлди. Лекин аксига олиб, бошқа ютуқли қопқоқ чиқавермади.



Ахири бундан ҳафсаласи пир бўлган Шерали қайсидир куни худди «WF»га аччиқ қилгандай «Sitro» яхна ичимлиги харид қилди. Бахтли тасодиф туфайли бу гал ҳам ютуқли қопқоқ чиқди. У қопқоқни ҳам чўнтагига солиб қўйди. Энди ҳар гал чанқаганида «Sitro» ичадиган бўлди. Аммо орадан неча кун ўтса ҳам, бошқа омади чопмади. Фақат қўлини чўнтагига солганида, бармоқлари ютуқли қопқоқларга тегиб, юраги «жиз» этиб кетарди.




Бундан буён ютуқли қопқоқ учрашидан умидини узган Шерали охири уларни сотишга қарор қилди. «OLX.uz» сайтига эълон бергач, эртаси куни харидор чиқса бўладими. Мижоз атиги иккита қопқоққа 100 минг сўм берадиган бўлди. Бундоқ ўйлаб қараса, ғойибдан шунча пул келяпти. Шунинг учун рози бўлиб, пластик карточкасининг рақами билан махсус кодини телефонда айтиб юборди.

### 100 МИЛЛИОН СЎМГА ЯҚИН ЗАРАР ЕТКАЗИЛДИ

Ўзининг «HP» русумли ноутбукини сотмоқчи бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош туманилик Тасмет Маҳмудовга ҳам, иккита юмшоқ мебелига харидор излаётган тошкентлик Ҳурматой Жамоловага ҳам худди юқоридаги мисолларга ўхшаб телефонда мурожаат этишди. Улардан ҳам буюмларининг ҳаққини пул ўтказиш йўли билан тўлаш учун пластик карточкаларининг рақамини ҳамда махсус кодини сўраб олишди. Оқибатда улар буюмларини сотолмагани етмаганидек, пластик карточкаларидаги пулидан ҳам айрилиб қолди.

Аҳмадбек Остонақулов бошчилигидаги уюшган гуруҳ аъзолари ўтган йилнинг майидан октябрь ойи охиригача шу тариқа компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш билан шуғулландилар. Уларнинг жиноий қилмишларидан юзга яқин фуқаро жабр кўрди. Жабрдийдаларга жами 100 миллион сўмга яқин зарар етказилди. Тергов ҳаракатлари давомида зарарнинг ярмидан кўпроғи ундирилди.

### КИМ АЙБДОР?

Хўш, бунга ким айбдор? Биринчи галда жиноятни содир этганлар, албатта. Лекин жабрдийдаларнинг ҳам, айби йўқ эмас. Шунчалик ҳам содда, ишонувчан бўлишадими? Қолаверса, уларнинг анча-мунчаси электрон тўловлар тартибидан бехабар кўринишади. Йўқса, «Менинг пластик карточкамга пул ўтказишлари учун унинг рақамини билишлари кифоя-ку, махсус кодни билишнинг уларга нима ҳожати бор?» деб ўйлаб кўрган, шубҳаланган бўлардилар.

Тўғри, жабрланувчилар орасида махсус кодни айтмаганлар ҳам бор. Жиноятчилар уларнинг маблағини ўзлаштириш учун бир неча бор уриниб, яъни тахминий рақамлар териб махсус кодини билиб олган кўринади. Лекин бу билан интернет технологияларини ёмонотлиққа чиқариш ҳам тўғри эмас.

**PS:** *Хўш, уларнинг жиноий хатти-ҳаракатларидан жабр кўрмаслик учун нима қилмоқ керак? Биз одамларнинг муомала маданиятини, ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлиги ҳақида кўп гапирамиз. Ҳаётда юқоридаги каби ҳолатларнинг кўп учраётганлиги аҳолининг компьютер технологияларидан, электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш маданиятини, саводхонлигини ҳам ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Хуллас, замонавий ўғриларга чув тушмай десангиз, электрон олди-сотди чоғида эҳтиёт бўлинг, пластик карточкангизга кириш ҳуқуқини берувчи махсус кодни ҳеч кимга ошкор этманг.*

**Ойбек ҲАЙИТОВ,**
**ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси, капитан.**
**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Жиноят содир этиб, суд ва тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Тошкент вилояти Бўка тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Қобул Фозилович Солиев.** 1970 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри Фурқат кўчаси 18-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Сайидаброр Одил ўғли.** 1970 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри Ўзбекистон кўчаси 36-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Илҳом Эркинович Тошбоев.** 1977 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри Мустақиллик кўчаси 16-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Ғанишер Одилович Солиев.** 1966 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри Ўзбекистон кўчаси 36-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Убайдуллоҳ Абдулҳофиз ўғли.** 1969 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри 8-март кўчаси 13-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Дониёр Абдуҳамидович Анорбоев.** 1970 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка тумани «Дўстлик» фермерлар уюшмаси рақамсиз хонадонда рўйхатда турган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Дилшод Деҳқонбоевич Султонов.** 1969 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри Бобур кўчаси 14-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми «б» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.



**Шуҳрат Йўлдошевич Бўронбоев.** 1970 йилда туғилган. Тошкент вилояти Бўка шаҳри Бобур кўчаси 4-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 4-қисми, 223-моддаси 2-қисми «а» банди ва $244^2$-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

**Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билган фуқаролардан Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ИИБнинг (0366) 236-88-87, 236-88-89 телефон рақамларига қўнғироқ қилишларини ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

14 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО ДОНОРЛАР КУНИ

# САХОВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ЭЗГУЛИК




**Ички ишлар органлари ходимлари юрт тинчлиги, жамоат тартибини сақлаш, осойишталикни ишончли таъминлаш баробарида, ёрдамга муҳтожларга кўмак кўрсатиш, савобли ишлар қилишда ҳам олдинги сафда бўлишмоқда. 14 июнь – Халқаро донорлар куни арафасида мамлакатимизда «Эзгулик албатта қайтади» шиори остида хайрия донорлик акцияси кенг қулоч ёйди. Бу эзгу амалдан ички ишлар органларининг турли соҳавий хизматлари, таълим муассасалари ва бошқа тармоқлари ҳам четда қолмаяпти.**



## «ҲАР БИР ДОНОР – ҚАҲРАМОНДИР»

2005 йил Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро ассамблеясида турли давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари томонидан бир овоздан ўз хоҳиши билан қон топширишни қўллаб-қуватлаш юзасидан қарор қабул қилинди. Қон гуруҳларини кашф қилган австриялик шифокор, Нобель мукофоти соҳиби Карл Ландштейнер туғилган 14 июнь – Донорлар куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Ўшандан буён бу сана муносабати билан кўплаб кўнгиллилар қон топширади. Муҳими, ҳар йили бу сана доирасида ташкиллаштириладиган тадбирлар эътиборни тортадиган шиор билан ўтказилади. Масалан, 2010 йил «Дунё учун янги қон» шиори остида ўтган бўлса, 2012 йил «Ҳар бир қон донори – қаҳрамондир», 2013 йил «Ҳаёт улашинг: қон донори бўлинг», 2016 йил «Қон ҳаммамизни бирлаштиради», 2017 йил «Қон топширинг. Ҳозир топширинг. Тез-тез топширинг», 2019 йил эса «Хавфсиз қон ҳамма учун» шиори остида ташкил этилган.



Қон – инсонга ҳаёт бахш этувчи ноёб неъмат. Танада ўз вазифасини бекаму кўст адо этадиган бу суюқлик инсон саломатлигини асрашда муҳим роль ўйнайди. Соғлом, донорлик талабига жавоб берадиган ҳар қандай киши қонга эҳтиёж сезган ёхуд фалокатга учраб, операция столига ётқизилган хаста ва мушкул аҳволда қолган кишиларга ёки бутунлай бегона инсонларга ҳам ўз қонини бериб, донорлик қилиши мумкин.

Қонни тўғри келган одам ҳам топшира олмайди. Унинг ўзига яраша қоидалари бор. Республикамизда 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган кишилар донор бўла олади. Донор бўлишни истаган инсоннинг вазни 50 килограммдан кам бўлмаслиги керак.

Донорликка қарши ҳолатлар ҳам бор. Биринчиси – умуман донор бўлолмайдиганлар тоифаси: қачонлардир инфаркт, инсультни бошдан ўтказган, юқумли хасталиклар – В ва С гепатити, ОИТС, сифилис касаллиги билан даволанган бўлса, кимётерапия олган шахслар, кўз ўткирлиги – 6 ва ундан паст, буйрак, жигар, ошқозонида яраси бўлган кишилар. Иккинчиси – вақтинчалик топширолмайдиганлар тоифаси: антибиотик қабул қилган, тишини даволатган, бирор-бир касалликка қарши эмлаш олган, татуировка қилдирган шахслар, туққан ва эмизикли аёллар, ҳайз кўраётганлар.

Донор қон топширишдан олдин 48 соат мобайнида спиртли ичимлик ичмаган, 72 соат оралиқда таркибида аспирин ва анальгетик бўлган дори қабул қилмаган бўлиши лозим. Яхши ҳордиқ чиқарган (масалан, тунги навбатчиликдан келган киши қон топшириши мумкин эмас), тамаки чекмаган, яхши нонушта қилган, тоза-озода ҳолда қон топширишга келиши лозим.

Эркаклар бир йилда 5 марта, аёллар эса 4 марта, 60 кун оралиқда қон топшириши мумкин.

Оғир аҳволда қолган инсонларга кўмак бериш, чорасиз инсонларни қўллаб-кувватлаш борасидаги мазкур хайрия акциясида ИИВ марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ ходимлари ҳам фаол иштирок этишди. Кўнгилли сифатида қон топшириб, савоб ишга ҳисса қўшишди.

Жумладан, акцияда ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий махсус ва сафарбар отрядлари ходимлари ҳам фаол иштирок этишди. Республика гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида 92 нафар ҳамда барча вилоят марказларидаги тиббиёт бирлашмаларида 353 нафар ходим кўнгилли равишда қон топширишди.

## ҲАЁТБАХШ ТОМЧИЛАР

Халқимиз юрагининг туб-тубидан жой олган олижаноблик ҳисси аждодлардан авлодларга мерос сифатида қон-қонимизга сингиб кетган ўчмас қадриятдир. Навоий вилояти ИИБ Ахборот хизмати хабар беришича, анъаналаримиз бардавомлиги сифатида мамлакатимиз бўйлаб Ёшлар ойлиги доирасида «Эзгулик йўлида бирлашамиз» шиори остида ўтказилаётган қон топшириш хайрия акциясида 30 нафар ИИВ Навоий академик лицейи ўқувчи ёшлари қатнашди.

Мазкур акция аҳоли ўртасида беғараз донорлик тизимини ривожлантириш, ёшларда бағрикенглик туйғуларини шакллантиришдан иборат. Томиримизда бир миллат ва буюк аждодларнинг жўшқин қони оқмоқда. Бебаҳо неъматнинг томчисидан кимгадир янги ҳаёт бахш этишнинг ўзи бир мўъжиза. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз бирдамликда ҳар қандай касалликни енга оламиз. Бундай эзгуликни тарғиб этувчи тадбирлар ҳамиша бардавомдир.

### Қизиқарли фактлар

- «Донор» сўзи лотинчадан олинган бўлиб, «туҳфа қиламан» деган маъноларни англатади.
- Австриялик донор Жеймс Харрисон ҳаёти давомида 1000 мартадан ортиқ қон топширган. Ноёб қон гуруҳига эга бўлган бу инсон қони анемиянинг оғир кўриниши билан туғилган 2 миллиондан ортиқ чақалоққа ҳаёт бағишлаган.
- Одатда тиббий эҳтиёж учун давлатда ҳар 1000 кишига 40 нафар донор тўғри келиши керак.
- Аксарият давлатларда «Қайси бурж остида туғилгансиз» дея мурожаат қилинса, Японияда «Қон гуруҳингиз қандай», деб сўрашар экан. Японлар фикрича, инсон характери ва шахсий хислатларини билишда узоқдаги юлдузлар эмас, балки қон гуруҳи муҳим ўрин тутади.
- Катта ёшдаги кишида ўртача 5,5 литр қон бўлади, бир мартада 350–450 мл. қон топширади.
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар доим қон топшириб юрган донорлар бошқа инсонлардан кўра 5 йил узоқроқ умр кўради.
- Тез-тез қон топширадиган донорлар жисмоний ва руҳий зўриқишлардан ҳам осонликча ўтиб кетар, ҳатто кексайганда ҳам ақлий ва жисмоний ҳолатини яхши сақлар экан.
- Дунёдаги 65 фоиз донор қонга муҳтож кишиларнинг қариндошлари ҳисобланади.

### БИЛАСИЗМИ?

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш чоғида донор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– соғлиғи сақланиши кафолатининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланиши;

– соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши;

– бепул овқат билан таъминланиш.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 369-моддаси биринчи қисми 2-бандига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг донорлик учун пул мукофотларига солиқ солинмайди.

*(Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасидан)*

Қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни донор ана шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтадиган куни машғулотлардан, ҳарбий хизматчилар эса нарядларни бажаришдан, хизматни ўташнинг вахта ва бошқа шаклларидан озод қилинади.

Донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куннинг бевосита эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бир кун берилади. Донорнинг хоҳишига кўра, мазкур дам олиш куни ҳар йилги меҳнат таътилига қўшиб берилиши мумкин.

*(20-модда)*

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ҳамда бепул топширувчи донор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланади ва базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти олади.

*(21-модда)*

**Саҳифа материалларини Фозилжон МАМАШАРИПОВ тайёрлади.**

ЗДОРОВЬЕ

# Летние советы

**Чтобы лето прошло гладко и беззаботно, нужно следовать советам, которые помогут составить правильный рацион, а также предостерегут от коварных продуктов, способных вызывать отравления и другие неприятные последствия.**

**Запасайтесь витаминами**

В этот сезон фрукты, овощи и ягоды максимально полезны



для здоровья. Зарядите организм витаминами, повышайте иммунитет.

**Готовьте вкусные салаты**

Какие блюда следует готовить летом, чтобы оставаться сытым, получать важные витамины и минералы и при этом чувствовать легкость? Конечно же, питательные салаты. Не бойтесь экспериментировать. К овощам добавляйте другие ингредиенты: курицу, морепродукты, орехи, фрукты, зелень. Ищите новые сочетания.

**Аккуратнее относитесь к молочной продукции**

Под действием тепла в ней быстро начинают размножаться



ся болезнетворные организмы. Покупая молочную продукцию, старайтесь выбирать самый свежий товар. Не оставляйте его вне холодильника, особенно под солнечными лучами. Храните в холоде, по возможности употребляйте в день покупки.

**С осторожностью покупайте кондитерские изделия**

В жаркое время года они не приветствуются, так как имеют



в составе легкопортящиеся крема. Не стоит рисковать своим здоровьем.

**Пейте зеленый чай…**

От изнуряющей жажды прекрасно спасает зеленый чай. Его можно пить как в теплом, так и в охлажденном виде. Оба варианта максимально эффективно понижают температуру тела.

**…и больше жидкости**

Чтобы не возникало проблем со здоровьем, следите за тем, чтобы организм получал достаточное количество жидкости. Рекомендуемая суточная норма чистой питьевой воды для взрослого человека – 1,5–2 литра.

**Не забывайте про полезные завтраки…**

Они заряжают силой, бодростью и хорошим настроением. Отличный вариант для утренней трапезы – каши и блюда из яиц. Добавляйте в каши свежие фрукты и ягоды, а омлеты и яичницы готовьте с полезными овощами.

**Делайте смузи**

Смузи – это максимум витаминов, минералов и полезных веществ в одном напитке. Готовить их можно, смешивая в блендере фрукты и овощи, за основу можно взять натуральный йогурт или соки.



**…и перекусы**

В течение дня захочется восполнить потерянную энергию, поэтому перекусывайте фруктами, овощами, а также поливитаминными смузи.

# Почему кошка ложится на больное место человека?



**При сердечно-сосудистых заболеваниях**

Известно множество историй о том, как кошки спасали людей от сердечного приступа и гипертонического криза. Они могут даже предупредить о возможном приступе. Владельцы кошек знают, что их любимцы иногда начинают ластиться, когда их хозяин сильно раздражен или находится в напряжении.

Кошка в доме уменьшает риск повторного инфаркта миокарда. У человека, недавно перенесшего приступ, нормализуются давление и пульс после того, как он в течение нескольких минут погладит любимую кошку.

**Стресс и усталость**

Эти домашние питомцы способны снять усталость, стресс, мигрень. Отличными «психотерапевтами и невропатологами» считаются длинношерстные: сибирские, ангорские, персидские, бирманские, норвежские лесные кошки, которые помогают людям, страдающим бессонницей, раздражительностью, депрессией.

Кошки «тонизируют» нашу энергетику успокаивают. Они – непревзойденные лекари.

**Повышение иммунитета**

Ежедневное прослушивание кошачьего мурлыканья положительно отражается на иммунитете. Ученые предполагают, что мурлыканье схоже с лечением ультразвуком, которое ускоряет заживление ран, рост и укрепление костей. Кошки способны облегчать боли в суставах и симптомы остеохондроза.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

# 6 фактов о напитках

**Квас, сок, прохладный лимонад или кефир – что выбрать в жаркую погоду?**

**Вода – главный напиток.**



Более того, строго говоря, только вода может считаться напитком в полном смысле этого слова. Овощные и фруктовые соки, морсы, компоты, лимонады, кофе содержат самые разные питательные вещества – от углеводов до клетчатки, и потому уже гораздо ближе к еде, чем к напиткам.

**Квас полезен для здоровья**

Традиционно квас готовят на основе брожения муки, солода или ржаного хлеба, с добавлением трав, меда, фруктов, ягод. Известны бактерицидные свойства напитка – в натуральном квасе гибнут болезнетворные бактерии. Кроме того, он благотворно влияет на обмен веществ и работу сердечно-сосудистой системы, улучшает и облегчает процесс пищеварения. Но будьте осторожны: он может повышать аппетит.



Квас содержит множество полезных веществ, в том числе витамины $B_1$ и Е, аминокислоты и микроэлементы. Но речь идет только о натуральном квасе, а не о бутилированном напитке, в который добавляют красители, консерванты, а затем искусственно газируют.

**Свежевыжатые соки**

Сохраняют максимум витаминов только в первые минуты после приготовления. Если сок постоял на столе 20–30 минут, в нем остаются полезные биофлавоноиды и пектины – эти вещества устойчивы к свету и воде – и, разумеется, сохраняется пищевая ценность за счет углеводов.



**Овощные соки** не менее полезны, чем фруктовые. Они богаты клетчаткой, снижают чувство голода, а вот калорий в них значительно меньше, чем во фруктовых. К примеру, томатный сок содержит большое количество ликопенов – веществ, способных защитить от многих видов рака. А свекольный сок снижает артериальное давление.



**Кисломолочные напитки**

Кефир, ряженка, йогурт, простокваша прекрасно утолят жажду. Они особенно полезны в жаркую погоду, потому что быстро усваиваются организмом и помогают нормализовать микрофлору кишечника. Если в магазине вы выбираете между бутылочкой питьевого йогурта и пакетиком сока, не сомневайтесь: йогурт полезнее!



**Сладкие газировки и лимонады**

Стоит исключить из рациона детей и взрослых. Если только вас не пугает то, как газированные напитки влияют на работу желудочно-кишечного тракта, печени и почек…



**Подготовлено по материалам интернета.**

ВНУТРЕННИЙ ТУРИЗМ



# МИНАРЕТ КАЛЯН

**Представитель второго поколения династии Караханидов Арслан-хан Мухаммад решил построить такое здание, чтобы навека оставить память о себе и своей династии. Он дал указание мастерам: «Пусть сооружение будет таким, что слава о нем обойдет весь мир, до судного дня повествует мусульманам о величии и мощи караханидского государства». Согласно воле правителя, архитекторы целый месяц кропотливо готовили проекты и представляли на суд хана, но ни один из них ему не понравился.**

Арслан-хан разгневался, и тут к нему, поклонившись, обратился юноша и двумя руками протянул свиток. Правитель развернул шелковую бумагу и увидел проект здания, подобного которому не было в мире. Заинтересовавшись, он попросил юношу описать его. Архитектор, не спеша, стал пояснять:

– Муэдзин будет пять раз в день призывать к намазу мусульман, поднявшись на верхнюю площадку. Факел, установленный на верхушке, поможет караванам безошибочно добраться до Бухорои Шариф. Солдаты будут круглосуточно дежурить наверху башни и предупреждать о надвигающихся врагах. Сам минарет станет раджой для других великих зданий, которые будут построены в нашем священном городе в Ваше благословенное время.

...Арслан-хан дал распоряжение выбрать для строительства место в центре города, проверить, подходит ли оно, согласно законам алгебры и астрологии, и выделил из запасов несметное количество золотых монет. Юноша, назначенный управляющим, определил размер дани в виде верблюжьей шерсти, молока, куриных яиц, виноградного нектара, которые необходимо было собрать для возведения минарета.

Архитектор вырыл глубокий ров, обложил смесью из верблюжьей шерсти, молока, желтков и виноградного нектара камни, рядами заложенные в фундамент. Такую смесь в древние времена мастера называли «кир». С годами кир становился прочнее. Чиновники злились на огромные расходы, но ничего не могли сказать – управляющему доверял сам повелитель.

В следующую ночь после заложения фундамента зодчий исчез. Наступила осень, за ней зима. Озабоченный пропажей архитектора, хан объявил, что выдаст большую сумму денег тому, кто его найдет. Фундамент, возведенный в центре города, остался под дождями и снегами.

Зодчий вернулся в Бухорои Шариф через три года. Поклонившись правителю, попросил прощения и сказал:

– Если бы я не исчез, Вы заставили бы меня продолжить строительство. Но фундамент должен закалиться под дождем и снегом, напитаться жарой и влагой, тогда он простоит века.

Арслан-хан признал его правоту, забыл обиды и дал распоряжение продолжить строительство минарета. Пока его вершина достигла неба, прошло еще несколько лет. После завершения строительства на его стенах было высечено имя основателя: Арслан-хана Мухаммада...

**Подготовил Мирзокул АХАДОВ, корреспондент «Postda».**

## Разыскиваются за совершение преступления



**Эргашева Дилфуза Нуриддиновна,** 1979 года рождения, уроженка Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. $244^2$, ч. 1 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Эргашев Йулдош Бахромович,** 1978 года рождения, уроженец Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 223, ч. 2, п. «б», ст. $244^2$, ч. 2, ст. 159, ч. 4 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Бегмирзаев Бегзод Акмалович,** 1995 года рождения, уроженец Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. $244^2$ ч. 1 УК Республики Узбекистан.



**Шакиров Азамат Холмаматович,** 1991 года рождения, уроженец Республики Таджикистан, за совершение преступления, предусмотренного ст. 244, ч. 2 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Эркабаева Захира Рахимовна,** 1967 года рождения, уроженка Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 159, ч. 1 УК Республики Узбекистан.

* * *



**Эркабаев Алимджан Хамидович,** 1966 года рождения, уроженец Ташкентской области, за совершение преступления, предусмотренного ст. 223, ч. 2, ст. 244, ч. 2 УК Республики Узбекистан.

***Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в ГУВД Ташкентской области по телефонам: (0-370) 76-24-121, 76-24-122, УВД Букинского района: (0-370) 57-35-119, 57-35-999, ближайшее отделение внутренних дел.***

# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 15 по 21 июня)***



**Овен.** Чтобы избежать разногласий, вам придется отдать бразды правления вашей второй половинке. Смиритесь, это временно. К концу недели появится усталость и апатия. Просто переждите данный период – останьтесь дома, отдохните, наберитесь сил.



**Телец.** Вас посетит вдохновение! Не стесняйтесь делиться им с окружающими. Пока есть силы, займитесь решением сложных вопросов. Возможно, в вашей поддержке будут нуждаться близкие – не отказывайте им. Из рациона исключите тяжелую пищу.



**Близнецы.** Именно сейчас придется принять важное решение. С выбором никто не поможет, рассчитывайте только на себя. В эти дни можно провести время в кругу семьи. Вы заслужили отдых.



**Рак.** Сейчас, как никогда, актуально завершение всех рутинных дел. Разберите вещи, бумаги, наведите порядок в квартире и голове. Вы заметите: даже дышать станет легче! Старайтесь не ссориться с членами семьи, особенно с вашей второй половинкой.



**Лев.** Подготовка к отдыху в самом разгаре. Но при этом не стоит забывать о работе и повседневных обязанностях. Особенно внимательными нужно быть с родными людьми. Вы можете их чем-то обидеть. Если это случится, сразу же попросите прощения.



**Дева.** Не рекомендуется браться за глобальные задачи. Не получается их отложить? Тогда постарайтесь свести к минимуму материальные затраты. На работе могут ожидать неприятные сюрпризы. Лучшая тактика: быть тише воды, ниже травы и избегать конфликтов с коллегами.



**Весы.** С 14 по 16 июня могут произойти события, которые в корне поменяют привычный ход вещей. Готовьтесь! Дети сейчас могут быть особенно капризными, а вторые половинки – невыносимыми. Считайте это испытанием, которое вы должны пройти с достоинством и улыбкой.



**Скорпион.** Не доверяйте малознакомым людям, они могут вас подвести, положитесь на проверенное окружение. Крупные покупки лучше пока отложить, но можно порадовать себя мелочами. Скорпионам-ревнивцам звезды советуют держать свои эмоции в узде, чтобы не накалять обстановку в доме.



**Стрелец.** Многие планы, которые вы собирались осуществить в данный период, сорвутся. Не огорчайтесь, лучше придумайте альтернативу. Не корите окружающих за их ошибки: обратите внимание на себя, чтобы не совершать промахи. Будьте снисходительны к близким людям.



**Козерог.** Если вам понадобится поддержка, обратитесь за ней к семье, а не к друзьям. Они вряд ли помогут в сложной ситуации. Непросто будет с деньгами, но вы справитесь. Переживите этот период, постарайтесь не залезать в долги. После 19 июня ситуация стабилизируется.



**Водолей.** Если вы что-то кому-то обещали, сдержите свое слово. Иначе возникнут конфликты, и вернуть расположение обиженного человека будет непросто. Период подходит для занятий спортом, подготовки к отпуску.



**Рыбы.** В этот период звезды рекомендуют вам заниматься творчеством. Вы получите удовольствие, кроме того, хобби удастся монетизировать. Иммунитет может дать сбой: есть вероятность подхватить простуду. Будьте начеку! Высыпайтесь и меньше нервничайте в эти дни.

Совет ветеранов МВД Республики Узбекистан извещает о кончине ветерана органов внутренних дел, полковника в отставке **ЮГАЯ Валерия Георгиевича** и выражает искренние соболезнования родным и близким покойного.

## МУШТАРИЙ МИНБАРИ

# ЧИН ДЎСТ

*Хаётий хикоя*



Бахтсиз ҳодиса туфайли 12 ёшли Сожида кўриш неъматидан айрилди. Ота-онаси қанчалик ҳаракат қилмасин, не-не шифокорларга кўрсатмасин, фойдаси бўлмади...

...Бир куни қўшни ҳовлида бир бегона ит пайдо бўлиб қолади. Хонадон эгалари унинг қаердан келиб қолганини билишмасди. Ёш болалар ва қарияларга хавф туғдиришидан қўрқиб, уни йўқотиш пайида бўлишади. Сожиданинг отаси итни боқиб олмоқчи бўлганини айтганида, ҳамма қарши чиқади. Яқинлари ва қўшнилар Сожиданинг эҳтиётини ўйлаб, бунга розилик беришмайди. Отасининг қароридан фақатгина Сожида ўзида йўқ хурсанд бўлади.

Итнинг тўртала оёғи ҳам оппоқ эканлигини онасидан эшитган қизча уни «Оқпанжа» деб атайди. Бошқаларга ҳеч ҳам итоат қилмайдиган, бегона одамни кўрса додини берадиган бу чин дўст фақатгина Сожиданинг айтганларини қулоқ қоқмай бажарар эди. Оқпанжа худди унинг кўзи ожизлигини билгандек, қизчага йўл кўрсатарди.

Ногиронлигига қарамай, ўта тиришқоқ ва тиниб-тинчимас Сожида доимий ҳамроҳи билан гоҳ уй ишларида ёрдам берар, гоҳ энг севимли машғулоти бўлган уй ҳайвонлари билан банд бўларди. Бу ишларда Оқпанжа ҳеч қачон уни ёлғиз қолдирмасди. Бундан Сожиданинг оиласидагилар хурсанд эди. Бошқалар эса онгсиз бу ҳайвоннинг бунчалар меҳрибон ва содиқлигидан ажабланарди.

...Кунларнинг бирида Сожида боғда жўжаларга қараш билан банд эди. Шунда ғалати воқеа юз беради. Оқпанжа бир оз муддат қизчанинг ёнидан ғойиб бўлиб, қайтиб келади. Кейин Сожиданинг тиззасига бошини қўйиб, ғингший бошлайди. Доимгидек эркаланяпти деб ўйлаб, Сожида унинг бошини силайди. Аммо содиқ дўсти бироз вақт ўтгандан кейин индамай, жонсиз бўлиб унинг қўлларида ётарди. Қизча қўрқиб кетиб, бақиради. Чинқириқни эшитган борки, югуриб келади. Сожиданинг ожиз кўзларидан Оқпанжанинг юзларига ёш тўкилар, бироз нарида бир қора илон ўлиб ётарди...

Сожида эса итининг не сабабдан тўсатдан жон таслим қилганини ҳали билмас эди...

**Маърифат ИСКАНДАРОВА.**
*Сирдарё вилояти.*

## ЎҚИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ

**Усмон АЗИМ**

# Кўнгил

**«Янги аср авлоди» нашриёти Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг «Кўнгил» деб номланган шеърлар китобини чоп этди.**




Усмон Азим ўзбек шеърияти уфқини кенгайтирган ижодкор сифатида таърифланади. Шу маънода «Кўнгил» инсонни давр ва жамиятда ўз ўрнини англашга, турфа воқеликларга теран ёндашишга ундайди. Шеърлараро тириклик нашидаси ҳукм суради, баҳслар талошга айланади.

**ЗЕҲНИНГИЗНИ**



**СИНАБ КЎРИНГ**

Қайси егуликни пиширишда канча туз солса ҳам, у шўр бўлиб кетмайди?

*Мазкур саволнинг жавобини ички саҳифалардан бирида ўқийсиз.*

## ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА

# МАРОҚ БИЛАН ЎҚИЙСИЗ

**«Qalqon-Щит» журналининг май ойи сони нашрдан чиқди.**




Ҳар доимгидек, журналнинг навбатдаги сонида ҳам мамлакатимиз ички ишлар органлари фаолиятига бағишланган қатор материаллар, шунингдек, бугунги куннинг долзарб масалалари ҳақидаги мақолалар нашр этилган. Хусусан, **«Осойишталикка бахшида умр», «Қасамёдига содиқ эди», «Правила устанавливается, чтобы их соблюдать», «Ҳамкорлик самара бермоқда», «На переднем крае»** каби мақолалар ички ишлар органлари хизмат фаолиятидан сўзласа, **«Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим шарти»** сарлавҳали мақолада давлат ва жамият тараққиётига катта ғов саналган коррупция иллати, унга қарши курашишнинг алоҳида жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Бундан ташқари, **«Қалбга туташ она тилим», «Ҳасаднинг ўлими», «Нужна ли «танка»?», «Саҳнада яшаган санъаткор»** сарлавҳали мақолаларни ҳам зўр қизиқиш билан ўқийсиз, деган умиддамиз.





# НАШРЛАРИМИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

«Postda – На посту» газетаси ҳамда «Qalqon – Щит» журналига 2020 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда!

Мамлакатимиз ҳамда ички ишлар органларида олиб борилаётган ислоҳотлар, тизим фаолиятига оид долзарб янгиликлар, осойишталик посбонларининг заҳматли хизмати, шунингдек, оила даврасида севиб ўқиладиган қизиқарли мақолалар билан танишиб боришни истасангиз, нашрларимизга обуна бўлишни унутманг!








**Postda**
На посту

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir – polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari – mayor Azizjon FAYZIYEV, katta leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar – Erkin SATTOROV, Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar – Sherzod ABDUSAMADOV, Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar – Ilhom JUMANOV, Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

9 772010 535001

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4186.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 542 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.